O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MADANIYAT VAZIRLIGI

ВАТАНПАРВАР

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

● 2003 йил, 21 июнь, шанба № 75 (1807). ● Сотувда эркин нархда.

Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

● Суббота, 21 июня, 2003 г. № 75 (1807). ● В розницу — цена свободная.

Газета издается с 24 июня 1992 г.

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ

ФАРМОНИ

ХОРИЖИЙ САРМОЯ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАР ТОМОНИДАН ТАЙЁР ИСТЕЪМОЛ МОЛЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ КЎПАЙТИРИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Юқори сифатли рақобатбардош тайёр истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ҳамда уларнинг турларини кўпайтиришни рағбатлантириш, ички истеъмол бозорини шундай моллар билан янада кўпроқ тўлдириш, қўшма корхоналар барпо этишга хорижий сармояларни кенг жалб этиш учун қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, 2003 йилнинг 1 июлидан то 2005 йилнинг 1 январига қадар тайёр кийим-кечак (тикувчилик, трикотаж ва чарм буюмлар), пайпоқлар ва пойафзал ишлаб чиқаришга ихтисослашган хорижий сармоя иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналари бюджетга тўланадиган қўшимча қиймат солигидан ташқари барча турдаги солиқ ва йиғимлардан озод қилинадилар.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси Вазирлар Маҳкамасининг Истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва савдо комплекси, хўжалик тизимлари билан бирга ўн кун муддатда юқорида кўрсатиб ўтилган солиқ имтиёзлари жорий этиладиган субъектлар рўйхатини аниқлаштирсинлар ҳамда имтиёзларни қўллаш ва бўшаган маблағлардан мақсадли фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низомни белгиланган тартибда тасдиқлатсинлар.

2. Белгилансинки, ушбу Фармоннинг I-бандига мувофиқ бўшайдиган маблағлар ишлаб чиқаришни техника билан қайта қуроллантириш ва модернизациялаш, янги турдаги тайёр маҳсулотларни ўзлаштиришга, ўзининг айланма маблағларини тўлдиришга, ходимлар меҳнатини рағбатлантиришга сарфланади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси бўшайдиган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланилиши устидан қатъий назорат ўрнатсинлар.

Солиқ солишдан озод қилинган маблағлардан мақсадли фойдаланилмаган ҳолларда ана шу маблағлар тўла ҳажмда давлат бюджетига ундириб олинади ҳамда амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган жарима жазолари қўлланилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ҳафта муддатда:

амалдаги қонунчиликка ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин;

идоравий норматив ҳужжатларни мазкур Фармонга мувофиқ ҳолга келтирсин.

4. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р. Азимов ва М. Усмонов зиммаларига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 2003 йил 20 июнь.

МАСЪУЛИЯТЛИ ДАВР

Шу кунларда мамлакатимиз йигит-қизлари олий ўқув юртига кириш учун тайёргарлик кўрмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат Тест марказида ҳам 2003/2004 ўқув йили учун тест синовларини юқори савияда ўтказишга ҳозирлик қизғин.

Бу йилги қабул жараёнидаги ўзгаришлар, янгиликлар нималардан иборат? Бу ҳақда марказ директори Баҳром ИСМОИЛОВ ЎзА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Вазирлар Маҳкамасининг «2003/2004 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Унга кўра бакалаврлар тайёрлаш бўйича умумий қабул сони 51100, шу жумладан 19900 давлат грантлари ва 31200 тўлов-контракти асосида белгиланди.

Магистрлар тайёрлашдаги квоталар ҳам анча кўпайди. Бу борадаги умумий қабул сони 5400 тани ташкил этади. Олий таълим муассасалари ҳузуридаги махсус сиртқи бўлимларга педагог кадрлардан ўтган йили уч минг нафар атрофида талаба қабул қилинган бўлса, жорий йилда бу рақам беш минг нафарни ташкил этади. Бу таълим соҳасига берилаётган эътиборнинг яна бир намунасидир.

Маълумки, шу йил 22 майда Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг оддий аскарлар ва сержантлар таркибида муддатли ҳарбий хизмати ўтаётган ҳарбий хизматчиларга қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Ушбу қарорга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизмати ўтаган фуқаролар Қуролли Кучларни малакали кадрлар билан тўлдириш учун зарур бўлган техник ва бошқа мутахассисликлар бўйича республиканинг олий таълим муассасаларига ўқишга кираётганида уларга тест синовларида тўпланиши мумкин бўлган энг кўп балларнинг 20 фоизи миқдорида қўшимча имтиёз берилади. Мазкур имтиёз ҳарбий қисм қўмондонлигининг тегишли тавсияномаси мавжуд бўлган тақдирда инобатга олинади.

Мамлакат олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун ҳарбий қисмларнинг тавсияномалари жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарликда юқори натижаларга эришган муддатли ҳарбий хизматчиларга қўшилмалар командирлари ҳамда уларга тенглаштирилган, ҳарбий хизматчини тавсифловчи маълумотларнинг тўғрилиги учун жавобгар бўлган мансабдор шахслар томонидан берилади. Ҳарбий қисмлар қўмондонлиги тавсияномалари улар берилган кундан бошлаб уч йил мобайнида ҳақиқий ҳисобланади.

Республикамизда амалга оширилаётган ислоҳотлар талабидан келиб чиққан ҳолда бир қатор янги йўналишлар, ихтисосликлар ташкил этилди. Жумладан, Олий ҳарбий божхона институти ташкил этилди. Оролбўйи минтақаси учун малакали мутахассислар тайёрлаш мақсадида Қорақалпоқ давлат университетининг аграр факультети негизида Тошкент давлат аграр университети Нукус филиали ташкил этилди. Навоий давлат кончилик институтининг Олмалиқ филиалига алоҳида танлов эълон қилинди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилаётир. Шу боис Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтида жисмоний тарбия ва жисмоний маданият йўналиши бўйича касбий таълим мутахассислиги ташкил этилди. Г. В. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академиясининг Тошкент филиалига талабалар қабул қилиш республиканинг барча олий ўқув юртлари сингари амалга оширилади. Ўзбекистон Миллий университетида архившунослик, лазер техникаси ва лазер технологиялари каби йўналишлар бўйича мутахассислар тайёрлаш учун талабалар қабул қилинади.

Тест маркази ҳамда мамлакатимизнинг барча олий ўқув юртларида талабаларни қабул қилиш учун ўтказиладиган тест синовларига ҳамма нарса шай. Абитуриентлардан ҳужжатлар қабул қилиш 20 июндан 20 июлгача давом этади. Давлат тест марказида тест синовлари юқори савияда ва адолатли ўтиши учун фанлар бўйича саволларнинг банк жамғармалари тайёрланди.

Марказнинг олий ўқув юртлари билан компьютер орқали боғланиши учун зарур техник воситалар ўрнатилди. Шу тизим кўмагида олий таълим муассасаларидаги маълумотлар бизнинг тест марказимизга келиб тушади. Тест синовларини ўтказиш учун барча ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар мавжуд. Бу масъулиятли жараёнда иштирок этувчи Давлат тест маркази вакилларининг рўйхати тузилди ва улар учун семинар-машғулотлар ташкил этилди.

Бу йил ўтган йилга нисбатан ўқишга кириш истагидаги абитуриентлар сони анча ортиши кутилмоқда. Шу боис ўқитувчилар ва жамоатчилик вакилларидан иборат аудитория раҳбари ва кузатувчилар рўйхати тузилди, улар учун ўқув машғулотлари олиб борилди. Тест синовларини ўтказиш учун ажратилган бинолар ва аудиториялар қайтадан кўриб чиқилмоқда. Барча олий ўқув юртларига тест синовларини ўтказишга оид меъёрий ҳужжатлар тарқатилган.

Пировардида шуни айтиш керакки, Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан таълим тизимига киритилган тест синовлари, мана бир неча йилдирки, ўқув юртларига иқтидорли ёшларни танлаб олишда, адолатни таъминлаш борасида халқимизнинг ишончини тобора кўпроқ қозонмоқда.

ЎзА мухбири Назокат УСМОНОВА ёзиб олди.

Бехато отишга маҳорат керак

...Пиёдалар жанговар машинаси шартли равишда миналаштирилган майдондан муваффақиятли ўтгач, навбатдаги жанговар вазифани бажаришга киришди. Бу шартли душманнинг 3 та нишонини яксон этиш вазифаси. Мўлжалга олувчи оператор оддий аскар Аминжон Раҳимовга барча координатлар етказилди. Жанговар машина командири шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Нодир Баракаев раҳбарлигида посбон аниқ ҳаракат қилди. Дастлабки нишон — бир километр масофадаги душман техникаси. «Ўт оч!» командаси янграгач, Аминжон ўз маҳоратини кўрсатди. Бир қараганда иккинчи нишонга отиш осондек туюлади. Масофа ҳам олис эмасда. Яъни, 500 метр узоқликда. Аммо шартли душманнинг жанговар техникаси ҳаракатда эканлигини унутмаслик керак. Демак, ҳаракатдаги нишонга бехато отиш ҳам ўзига хос мураккаб. Бу сафар ҳам мўлжалга олувчи оператор маҳоратига қойил қолишди. Биринчи уринишдаёқ вазифа адо этилди. Бир ярим километр узоқликда жойлашган душман объектини яксон этиш экипаж олдига қўйилган учинчи жанговар вазифа эди. Илк уриниш учалик самара бермади. Экипаж командирининг йўл-йўриқлари ўз кучини кўрсатиб, навбатдаги уринишда нишонга бехато отилди. Бу жанговар ютуқ учун оддий аскар А. Раҳимов ҳам муносиб рағбатлантирилди. У қисм командирининг қўлидан Фахрий ёрлиқ олди.

Бу лавҳа қишки ўқув мавсуми охирларидаги дала-ўқув машғулотидан олинган. Таъкидлаш жоизки, айни мавсум машғулотларида ҳам Аминжон ва сафдошлари илғорлик қилишмоқда. Сирдарёнинг Сайхунободидан муддатли ҳарбий хизматга келган бу ўғлон кузда ўз йигитлик бурчини ўтаб бўлади. Посбоннинг нияти хизматни шартнома бўйича давом эттириш. «Сафларда оддий аскар Раҳимов сингари йигитлар бор экан, ёзги ўқув мавсумида ҳам кўрсаткичларимиз юқори бўлади», дейди взвод командири катта лейтенант Шоҳруҳ Тўлаганов.

Капитан Ш. ТОЛМАСОВ.

● ЕЗГИ УҚУВ МАВСУМИ МАШҒУЛОТЛАРИ АВЖИДА

Дилшод ота изидан борib, офицерликни танлади. Бугун лейтенант Дилшод Алимбеков взвод командири вазифасини бажараяпти. Айни мавсумда унинг жамоаси илғорлар қаторида.

Суратда: **лейтенант Д. Алимбеков саф машғулоти ўтмоқда.**

Александр МРУЧАК суратга олган.

● СЕНИНГ ЎҒЛОНЛАРИНГ, ЎЗБЕКИСТОН!

РАВШАН—МОҲИР АРТИЛЛЕРИЯЧИ

Полигон — маҳорат синовдан ўтадиган майдон. Буни оддий аскар Равшан Жўраев ўз хизмат фаолиятида кўп бора кўрган. Келинг, яхшиси энг сўнгги дала-ўқув машғулотидан мисол келтирайлик.

... Шартли душман жанговар техникаси олдинга қарата ҳаракатланмоқда. Қўшинларимиз мудофаа позициясини эгаллаган. Душман жанговар техникаси артиллерия қуролларидан отиб яксон қилингач, пиёдаларимиз ҳужумга ташланиши мумкин. Бу эса оддий аскар Жўраев ва унинг сафдошларига катта масъулият юклайди. Қўмондонликдан тегишли буйруқ олингач, артиллериячилар ишга киришишди. Равшан катта мўлжалга олувчи вазифасида. Демак, у душман координатларини аниқ билиши, жанговар қуролдан бехато нишонга отиши лозим. Посбон зудлик билан жанговар шай ҳолатга келди. Батарея командири қўл остидаги бу посбоннинг ўз вазифасини қай даражада бажарганини билиш мақсадида жанговар қуролни нишонга қандай тўғрилаганини, нишон бурчакларини қандай ҳисоблаганини текширди. Бир оз техник хатоларга йўл қўйган экан. Буни тажрибали командир катта лейтенант Дмитрий Козлов аскарга яхшилаб тушунтирди. Хуллас, ушбу муҳим дала-ўқув машғулотида артиллериячилар юксак натижани қўлга киритишди. Асосий сабаб жамоада Равшан сингари маҳоратли аскарларнинг мавжудлиги бўлди.

Йигит Фарғонанинг Қувасойидан бўлади. Кузда муддатли ҳарбий хизмати ниҳоясига етади. Суҳбатимиз тугаганидан сўнг — кечки пайт аскарнинг қоровуллик хизматига боришини билдим. Шу боис унинг бу борадаги низомий билимларини синаш мақсадида қоровуллик хизматидаги мажбуриятларини сўрайман.

— Ўз постимни сергаклик билан қўриқлашим, қуролни қўлдан қўймаслигим, пост рақамида кўрсатилган вақтда хизматнинг бориши хусусида алоқа воситалари орқали хабар қилиб туришим лозим. Постни ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш ҳарбий жиноят ҳисобланади. Пост яқинига қоровул бошлиғи, унинг ёрдамчиси ва ўзимнинг тарқатувчимдан бўлак ҳеч кимни қўймаслигим керак. Қоровул бошлиғи катта лейтенант Лутфулло Санаев шулар хусусида инструктаж ўтказди. Нарядга биринчи бора тушишим эмас. Шундай бўлса-да, мажбуриятларимни бир сидра ёд этишим муҳим, — деди, жумладан у.

Оддий аскар Жўраев ва сафдошлари Вазирлар Маҳкамасининг муддатли ҳарбий хизматчиларга қўшимча имтиёзлар яратиш тўғрисидаги қарорини аскарлар жамоаси кенгашида муҳокама қилишди. Натижада бундайин эътиборга муносиб бўлиш учун қарор ҳам қабул қилишди. Бу — ёзги ўқув мавсумини яхши ва аъло баҳоларга якунлаш қарори. Мавсумнинг дастлабки ойида жамоада қолоқлик сезилгани йўқ. Ҳатто «йиғин» командасида батарея шуқуқорлари биринчилар қатори жанговар шай ҳолатга келишди. Айни пайтда навбатдаги амалий машқларга ҳозирлик кўришаётир. Полигонда ўз сўзини айтиб ўрганган артиллериячилар маҳоратнинг янги қирраларини намоён этишларига шубҳа йўқ.

Капитан Алижон САФАРОВ, «Ватанпарвар» мухбири.

● СЕГОДНЯ — ВЫПУСК

ДО СВИДАНИЯ, УЧИЛИЩЕ!

Завершились четыре года учебы в Ташкентском высшем общевойсковом командном училище, позади Государственные экзамены. Сегодня торжественный день — выпуск!

Для меня и моих товарищей по учебе С. Имомова, Б. Рахматова, А. Бозорова и многих других в этот день слилось все: и исполнение мечты, и завершение учебы, и приобщение к славному офицерскому корпусу Вооруженных Сил Республики Узбекистан, и многочисленные поздравления родных и близких, друзей и знакомых. И это правда. Все мы по-разному закончили училище. Кто — с дипломом с отличием, а кто — благодаря настойчивой и плодотворной воспитательной работе командиров и помощи сослуживцев. Сегодня важно то, что для каждого из нас с белого листа начинается новая, офицерская жизнь и начать ее надо достойно, как и полагается тому, кто прошел школу прославленного ТВОКУ.

Сегодня мы от души благодарим наших наставников и командиров, приложивших все силы для того, чтобы мы ушли в войска вооруженные самыми современными знаниями и методикой, и которые на протяжении четырех лет были для нас примером в выполнении своего воинского долга и образцом отношения к службе. Сегодня мы попрощаемся с Боевым Знаменем и унесем в своем сердце не только приобретенные знания, но и все те прекрасные боевые и моральные качества, которые всегда отличали выпускников ТВОКУ, с твердым намерением продолжить славу его выпускников.

Сохиб ИМОМОВ, выпускник 2003 года.

● ИДЕТ БОЕВАЯ УЧЕБА

ИСПЫТАНИЕ ПОЛЕМ

С хорошим настроением вернулись с тактических занятий подчиненные старшего лейтенанта Собира Нормуродова. Артиллеристы полностью выполнили обязательства, взятые на полевой выход, продемонстрировав высокую выучку и профессиональное мастерство. Все поставленные задачи решены грамотно и своевременно.

Первое испытание на занятиях выпало на долю механиков-водителей. Марш пришлось совершать на предельно возможной скорости. От мастерства, выдержки, физической натренированности специалистов зависело многое, в том числе и конечный результат. Уверенно вели боевые машины механики-водители рядовые Сойб Рахмонов, Доннер Туронов.

Под руководством офицера С. Нормуродова батарея в заданном районе действовала, как хорошо отлаженный механизм. Его подчиненные первыми обнаружили танки «противника» и прямой наводкой уничтожили их.

И в дальнейшем, умело взаимодействуя с мотострелками и танкистами, артиллеристы успешно выполнили все поставленные задачи, цели поражали с первого выстрела и на предельной дальности, с наименьшей затратой времени и боеприпасов.

Соревнуясь за достойную встречу 12-й годовщины независимости, артиллеристы настойчиво совершенствуют свое мастерство, берегут каждую минуту учебного времени, используют для совершенствования боевого мастерства все возможности.

Майор Хайриддин ЗАПИЛОВ.

● МОЛОДЫЕ ОФИЦЕРЫ — БУДУЩЕЕ ВООРУЖЕННЫХ СИЛ

НАХОДЧИВОСТЬ И КОМПЕТЕНТНОСТЬ

Истинность старой армейской мудрости, гласящей: «Сплав науки и отваги — инженерные войска», лейтенант Азизбек Собиров уже не раз имел возможность проверить в своей служебной практике. И ничего, что командир группы инженерно-саперного взвода всего год назад закончил училище, — в недавнем приказе командующего войсками ЮЗОВО о поощрении молодых офицеров округа накануне их II слета значилась и его фамилия. Что ж, порой и такого короткого временного отрезка хватает для того, чтобы отличиться...

Впрочем, положа руку на сердце, должен констатировать очевидное — этот скромный, неразговорчивый парень отнюдь не похож на рьяного карьериста. Азизбека скорее можно отнести к другой ка-

(Окончание на 2-й стр.).

ЦЕЛЬ ВИЖУ!

С большим интересом прошли в курсантском взводе, которым командует старший лейтенант Р. Пармонов, занятия на тему «Поражение наблюдаемых целей». Курсанты второго курса факультета артиллерии А. Кодиров, У. Исматов и их сослуживцы с огромным старанием проводили пристрелку по наблюдаемым целям.

Каждое поражение цели, вызывало у будущих офицеров-артиллеристов прилив гордости за свою принадлежность к артиллерийским войскам.

Курсант Отабек УМАРОВ.

● ОБУНА—2003: ИККИНЧИ ЯРИМ ЙИЛЛИК

„Ватанпарвар" газетаси муштарийларига

Республикамизда 2003 йилнинг иккинчи ярми учун даврий нашрларга, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги марказий нашри «Ватанпарвар» газетасига обуна давом этмоқда.

«Ватанпарвар» газетаси республикамиздаги обрўли нашрлардан бири ҳисобланади. Фақат бизнинг газетамиз саҳифаларида Қуролли Кучларимиздаги қисм ва бўлинмалар ҳаёти, жанговар фаолияти ҳар томонлама ва кенг ёритилади, ҳарбий соҳадаги ислоҳотларнинг асосий босқичларини акс эттирадиган мақолалар чоп этилади, жангчиларимизни ватанпарварлик, Ватанга муҳаббат ва унинг ҳимоясига доимо шайлик руҳида тарбиялаш борасида мунтазам лавҳалар, очерклар эълон қилинади.

Шунингдек, «Ватанпарвар» саҳифаларида Ўзбекистоннинг иқтисодиёт, маданият, таълим, спорт ва ижтимоий-сиёсий ҳаётининг бошқа соҳаларида эришган ютуқлари, халқаро ҳаётдаги муҳим янгиликлар кенг ёритилади.

Иккинчи ярим йиллик учун «Ватанпарвар» газетасига «Ўзбекистон почтаси» ДАКнинг барча бўлинмаларида, шунингдек, бевосита газета нашриётида обуна бўлиш мумкин.

Обуна баҳоси ҳар бир вилоят ва Тошкент шаҳри учун алоҳида белгиланган. Бу жўнатиш ва етказиб бериш харажатларидаги фарқлар билан боғлиқдир.

Тошкент шаҳрида «Ватанпарвар» газетасига обуна баҳоси:

абонент қутиларига эга бўлган ҳарбий қисмлар, бўлинмалар ва муассасалар учун:

3 ойга — 3246 сўм;
6 ойга — 6492 сўм;
Уй манзилига обуна бўлганда:
3 ойга — 3331 сўм;
6 ойга — 7662 сўм;

«Ватанпарвар» газетасини бевосита нашриётнинг ўзидан олиб кетишни истовчи Тошкент шаҳрида жойлашган ҳарбий қисмлар (муассасалар) ва шахслар обунани нашриётнинг ўзида расмийлаштиришлари мумкин.

Бу ҳолда обуна баҳоси:
3 ойга — 2466 сўм;
6 ойга — 4932 сўм;
Тошкент вилоятида обуна баҳоси:
абонент қутиларига эга бўлган ҳарбий қисмлар, бўлинмалар ва муассасалар учун:
3 ойга — 3621 сўм;
6 ойга — 7242 сўм;
Уй манзилига обуна бўлганда:
3 ойга — 3870 сўм;
6 ойга — 7740 сўм;
Нашриёт манзили:
Тошкент-31, Д. Қўнаев кўчаси, 21-уй.
Маълумотлар учун телефон: 56-03-46.

ТАҲРИРИЯТ.

Сайёрамиз садоси • Пульс планеты

Канада Миллий мудофаа вазири Жон Макколумнинг яқин кунларда Афғонистонга ташрифи кутилмоқда. Вазир Афғонистон президенти Ҳамид Карзай билан учрашиб, Кобулда Канада тинчликни сақлаш кучларини қабул қилишга тайёргарлик жараёни билан танишади.

***

США распространили среди постоянных членов Совета Безопасности Великобритании, Франции, России, а также Китая проект резолюции, в которой осуждаются действия Северной Кореи по возобновлению ядерной программы.

***

БМТ 2003—2004 йилда амалга оширилажак тинчликни сақлаш тадбирларига ажратадиган бюджет маблағини ярим миллиард АҚШ долларига қисқартиришни маълум қилди. Келаси молиявий йилда ушбу мақсад учун 2,17 миллиард АҚШ доллари ажратилади, Ўтган молиявий йилда бу кўрсаткич 2,6 миллиард АҚШ долларини ташкил этганди.

***

Оппозиционная партия «Авода» (Трудовая партия Израиля) избрала своим временным председателем Шимона Переса. Как сообщило «Рейтер», 79-летний Перес получил 55% голосов партии при необходимых 40%.

Перес, бывший премьер-министр Израиля, будет возглавлять «Аводу» до избрания постоянной главы партии в январе 2004 года.

***

Нью-Йорк биржасида нефть нархининг пасайиши кузатилмоқда. Куни кеча унинг бир баррели яна 40 центга арзонлашиб, 29,96 АҚШ долларини ташкил этди. Ўтган ҳафтадан буён нефть нархи жами 2,50 АҚШ долларига арзонлашди.

***

Лидеры стран Евросоюза не обсуждали на открывшемся саммите ЕС назначение Жана-Клода Трише новым главой Европейского центробанка. Об этом сообщил премьер-министр Греции Костас Симитис. По его словам, обсуждение этого вопроса отложено до следующего саммита ЕС, который состоится в октябре, так как кандидатуру Трише должен еще одобрить Европарламент и совет министров финансов ЕС.

***

Яқин Шарқда вазият ҳамон беқарор бўлиб турибди. Исроилнинг Бейт-Шеан шаҳрида амалга оширилган террорчилик ҳаракати натижасида бир исроиллик ҳалок бўлди. Мазкур ҳаракат учун жавобгарликни «Ислом жиҳоди» ташкилоти ўз зиммасига олди.

***

Основная проблема Ирака на данный момент — бедность населения. К такому выводу пришли эксперты продовольственной программы ООН. По данным организации, до начала военной операции и свержения Хусейна каждый пятый житель Ирака был практически нищим.

«Это одна из самых больших проблем Ирака, и два месяца военных действий вряд ли добавили стабильности экономике страны. Таким образом, материальное положение большинства иракцев только ухудшилось», — заявил один из представителей ООН.

ЎзА ва Интернет хабарлари асосида.

НАХОДЧИВОСТЬ И КОМПЕТЕНТНОСТЬ

(Окончание. Начало на 1-й стр.).

тегории военных, следующих суворовскому правилу: «На службу не напрашивайся, от службы не беги».

Однако как же тогда молодому лейтенанту удалось отличиться? А дело было так. Весной, в преддверии контрольной проверки за зимний период обучения, командир взвода старший лейтенант Жасур Назаров попадает в госпиталь. И пришлось лейтенанту А. Собирову сдавать проверку за командира взвода.

Проверяющий, старший офицер инженерной службы округа майор Олим Ходжаев, был строг и придирчив. Нелегко пришлось молодому лейтенанту. Но помогли училищные знания, да и практического опыта он уже набрался. Важно было не ошибиться... А для того, чтобы не допустить роковой ошибки, очень нужны находчивость и компетентность. Почему находчивость на первом плане? Да потому, что при инженерном оборудовании позиций или разминировании взрывоопасных предметов саперам приходится пользоваться подручными средствами и проявлять смекалку в нештатных ситуациях. Ну, а о компетентности и говорить не стоит — она является обязательным условием, жизненно важным для этой опасной профессии.

Результаты строгого экзамена приятно удивили командование части — взвод получил твердую четверку, заняв в итоге третье место в соревновании. В этот успех наиболее весомый вклад внесли: старший сапер рядовой Элёр Бобожонов — у него отлично по строевой подготовке, у водителя рядового Бекзода Хамидуллаева — пятерка по физической, ну а в спецподготовке не было равных водителю рядовому Равшану Саттарову. Из разных концов страны съехались эти парни сюда: Элёр—из Сырдарьи, Бекзод —из столичной области, а Равшан—из Бухары. За год службы стали дружной армейской семьей. Поскольку они призывались до принятия нового Закона «О всеобщей воинской обязанности и военной службе», то увольняться им в запас лишь осенью.

— Не жалеете об этом?— спрашиваю у командира секции рядового Зафара Норова.

— Ничуть, — следует ответ. — Конечно, мы всецело поддерживаем принятие этого важного для страны и армии Закона, но когда речь заходит конкретно о нашем взводе, то нам и полутора лет совместной службы кажется маловато.

Как видим, забота о личном составе создает особый микроклимат в коллективе. Кстати, не обделены вниманием и военнослужащие по контракту. Недавно двоих парней отправили на сборы в столицу. Так вот, пока они повышали там свой профессиональный уровень, сослуживцы заботились об их семьях, помогали в решении бытовых проблем.

Вспоминая своих наставников из СВВАКИУ, лейтенант А. Собиров с особой теплотой отозвался о майорах Абдугани Болтабаеве и Олиме Боймурадове, а также высоко оценил помощь командиров на первом месте службы, в частности командира взвода, начальника инженерной службы части майора Парды Хужамуродова, чьи советы очень пригодились на первом этапе становления.

Позже, на слете молодых офицеров округа, получая из рук заместителя командующего войсками округа по воспитательной работе полковника Сабрилло Турсунова конверт с премией, Азизбек воочию убедился в том, как может быть высоко оценен его ратный труд. Доверие окрыляет, а в отношении нашего героя это особенно заметно — поощрение дало серьезный импульс к росту служебной активности. Верится, новый повод для отличия не заставит себя долго ждать.

Майор Аблай КАМАЛОВ,
корр. «Ватанпарвара».

● ИЛК МАРТА ҚАЛАМ ТЕБРАТИБ

ВАТАНГА САДОҚАТ ОНТИ

Ўзбекистон Миллий университети ҳарбий кафедрасида ҳарбий Қасамёд қабул қилиш тантанаси бўлиб ўтди. Ўқув йили давомида тактика, техника, саф тайёргарлиги, тарбиявий ишлар, умумҳарбий ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик бўйича чуқур билим олиб, ёзги синовлардан муваффақият билан ўтган курсант-талабалар она-Ватанга содиқлик тўғрисида Қасамёд қабул қилдилар.

Тадбирни кириш сўзи билан очган Ҳарбий кафедра бошлиғи, полковник К. Пирматов Қасамёднинг тарбиявий аҳамияти хусусида сўзлади. Шунингдек, тантанада Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий таълим бошқармаси бошлиғи, подполковник Ж. Раматов иштирок этди ва курсантларни унутилмас қувончли воқеа билан қутлади. Талабалар бир йил давомида ўзлаштирган назарий ва амалий билимлари ифодаси сифатида тантанали маршдан ўтдилар. Ҳар бир взвод ўз саф қўшиғини ижро этди.

Маросим кўтаринки руҳда ўтди. Буни курсантлар юзидаги қувонч, шодлик, ота-оналар, меҳмонлар чеҳрасидаги мамнунлик ифодасидан ҳам билиш мумкин эди.

— Бу кун барчамизнинг хотирамизга умрбод муҳрланиб қолади, — дейди 314-гуруҳ курсанти Беҳзод Ғаниев. — Ушбу онтга содиқ қолиш ҳар бир мард ўғлоннинг Ватани, Президенти, ота-онаси ва яқинлари олдидаги улуғ бурчидир. Ишонтириб айтаманки, барчамиз Қасамёдга содиқ қоламиз. Она-Ватанни ёмон кўз, бегона назарлардан сақлаш учун ҳар доим, ҳар вақт тайёр турамиз.

Шу тариқа тантана билан бошланган тадбир байрамга айланиб кетди. Ҳарбий Қасамёд билан она-юрт олдидаги фарзандлик бурчини адо этишга шайланган курсантлар яна бир неча кундан сўнг ўз ихтисосликлари бўйича давлат имтиҳонларини топширадилар. Курсантларга билимлар синовидан муваффақият билан ўтиб олишларида муваффақиятлар тилаб қоламиз.

Собиржон ЕҚУБОВ,
ЎзМУ талабаси.

НА СТРАЖЕ ПОРЯДКА В ГАРНИЗОНЕ

Посещение военной комендатуры обычно ассоциируется с очередным нарушением дисциплины и порядка в гарнизоне. Но для будущих военных журналистов сборов офицеров запаса НУУ это стало одним из учебных элементов ознакомления с жизнью войск.

Встретил курсантов и провел с ними ознакомительную беседу командир комендантского взвода старший лейтенант Д. Туляганов. Из нее выяснилось, что Центральная комендатура города Ташкента выполняет большой объем работы по поддержанию образцового порядка в столице. Двадцать четыре часа в сутки по городу передвигаются патрули. Задержанные за различные нарушения военнослужащие доставляются на гарнизонную гауптвахту, где их не только содержат и приводят в порядок, но и проводят с ними соответствующую воспитательную работу.

Личный состав комендатуры готов в любую минуту выехать по сигналу о чрезвычайной ситуации, он же осуществляет регистрацию всех прибывших в гарнизон отпускников и оперативное оповещение воинских частей и учреждений столицы.

Служба личного состава подразделений военной комендатуры проходит в особом режиме. Вместе с тем нельзя не отметить, что для личного состава здесь созданы все условия для службы и отдыха. Спальные помещения, комнаты быта и отдыха, классы для учебных занятий, медицинский пункт — все содержится в образцовом порядке, способствует интенсивной боевой учебе и четкому выполнению всех поставленных задач.

Посещение военной комендатуры способствовало лучшему пониманию будущими офицерами запаса сути работы, проводимой в Вооруженных Силах по поддержанию твердой воинской дисциплины и правопорядка, во многом помогло оценить нелегкий труд военнослужащих, которые день и ночь, в любую погоду обеспечивают порядок в столичном гарнизоне.

Нурпулат НУРМУХАМЕДОВ,
студент 3-го курса факультета журналистики НУУ.

ЭЪТИБОРДАН РУҲЛАНИБ

Оддий аскар Мўмин Азимов Шарқий ҳарбий округнинг подполковник Зокиржон Муродов командирлик қилаётган алоқачилар батальонида хизмат қилади. Ҳарбий хизматга аллақачон нуниқиб, мослашиб улгурган. Ҳарбий хизматгача ҳайдовчилар курсини тугатганлиги бу ерда жуда асқотди. Бу ишини хизматдан сўнг ҳам давом эттириши мумкин, аммо Мўмин ички ишларга ишга кирмоқчи, албатта, аввал олий ўқув юртига кириб ўқийди.

Ҳарбий хизмат давомида ўзи каби шижоатли, ғайратли дўстлар орттирди. У каби дўстлари оддий аскарлар — Сарвар Азимов, Шуҳрат Бобожонов, Ҳолмирза Суюнов, Умид Исмановлардан командирлик мамнун. Бугунги кунда ҳарбий хизматчиларга берилаётган эътибор ҳақида оддий аскар Мўмин Азимов шундай дейди:

— Севимли газетамиз «Ватанпарвар» саҳифалари орқали Вазирлар Маҳкамасининг ҳарбий хизматчиларга берилган имтиёзлари ҳақидаги қарори ва унга берилган шарҳлар билан батальон командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари катта лейтенант Равшан Азимов бошчилигида танишиб чиқдик. Бу имтиёздан ниҳоятда мамнунмиз. Хизматимизни ҳам шунга жавобан янада аълороқ бажаришга ўзимизни жавобгар деб биламиз.

Биз унинг самимий фикрларига қўшилиб, муқаддас бурчини шараф билан ўташига тилак билдирамиз.

Азиз ШАРОПОВ,
ЎзМУ талабаси.



Ёзги ўқув мавсуми машғулотларида жанговар машинанинг роли алоҳида аҳамиятга эга бўлади. Шунинг учун ҳам замонавий техникани маҳорат билан бошқара олиш бугунги кун ҳарбий хизматчисининг олдига қўйиладиган асосий талаб ҳисобланади.

Техника назорат пунктида шартнома бўйича хизмат катта сержанти Рустам Қирғизбоев (ўнгда), техник вазифасидаги сержант Рустам Дўсбянов (ўртада) ва ҳайдовчи кичик сержант Шуҳрат Азизов (чапда)ларга машинани жанговар шай ҳолатда тутиш тўғрисида тушунчалар бермоқда.

Александр МРУЧАК олган сурат.

ВИТАЛИЙНИНГ УШАЛГАН ОРЗУСИ

Ватанни қўриқлаш, Ватанга хизмат қилиш ҳар бир ўғлоннинг бурчи. Бундай шарафли вазифани бажаришни барча йигитлар орзу қилишади. Оддий аскар Виталий Юганкин ҳам ёшлигидан ана шундай орзуда эди.

— Орзуимнинг ушалганига ҳалиям ишонгим келмайди, — дея тўлқинланиб гапиради Виталий.

У ёшлигини азим Тошкентда, турли миллат болалари орасида ўтказди. Ўзбек тилини қизиқиш билан ўрганди. Ўзбек болалари билан дўстлашди.

Ҳозирги кунда у катта лейтенант Бобурмирзо Дадабоев командирлик қилаётган тўпчилар батареясида хизмат қилмоқда. Биз посбоннинг командирини суҳбатга тортдик.

— Виталий батареямиздаги энг жасур аскарлардан бири, десам янглишмайман. Шу билан биргаликда у ўзбек тилини яхши билади, саф тайёргарлиги, умуман низомлар бўйича ўзбекча командаларни тўлиқ тушунади, — дейди катта лейтенант Бобурмирзо Дадабоев.

У нишонгача бўлган масофани аниқловчи вазифасини маҳорат билан уддалаб келмоқда. Дўстлари ҳам Виталийдан жуда мамнун.

Анвар СУЛАЙМОН ўғли.

НА СТРАЖЕ ПОРЯДКА В ГАРНИЗОНЕ

Посещение военной комендатуры обычно ассоциируется с очередным нарушением дисциплины и порядка в гарнизоне. Но для будущих военных журналистов сборов офицеров запаса НУУ это стало одним из учебных элементов ознакомления с жизнью войск.

Встретил курсантов и провел с ними ознакомительную беседу командир комендантского взвода старший лейтенант Д. Туляганов. Из нее выяснилось, что Центральная комендатура города Ташкента выполняет большой объем работы по поддержанию образцового порядка в столице. Двадцать четыре часа в сутки по городу передвигаются патрули. Задержанные за различные нарушения военнослужащие доставляются на гарнизонную гауптвахту, где их не только содержат и приводят в порядок, но и проводят с ними соответствующую воспитательную работу.

Личный состав комендатуры готов в любую минуту выехать по сигналу о чрезвычайной ситуации, он же осуществляет регистрацию всех прибывших в гарнизон отпускников и оперативное оповещение воинских частей и учреждений столицы.

Служба личного состава подразделений военной комендатуры проходит в особом режиме. Вместе с тем нельзя не отметить, что для личного состава здесь созданы все условия для службы и отдыха. Спальные помещения, комнаты быта и отдыха, классы для учебных занятий, медицинский пункт — все содержится в образцовом порядке, способствует интенсивной боевой учебе и четкому выполнению всех поставленных задач.

Посещение военной комендатуры способствовало лучшему пониманию будущими офицерами запаса сути работы, проводимой в Вооруженных Силах по поддержанию твердой воинской дисциплины и правопорядка, во многом помогло оценить нелегкий труд военнослужащих, которые день и ночь, в любую погоду обеспечивают порядок в столичном гарнизоне.

Нурпулат НУРМУХАМЕДОВ,
студент 3-го курса факультета журналистики НУУ.

КОНКУРС
ПО СТРЕЛЬБЕ И УПРАВЛЕНИЮ ОГНЕМ АРТИЛЛЕРИИ

Учись стрелять метко

ЗАДАЧИ ШЕСТОЙ СЕРИИ

Задача № 1

В батарее 122-мм гаубиц Д-30 для партии заряда 23—78—16 определено суммарное отклонение начальной скорости снаряда для основного орудия батареи минус 1,7% Vo. В батарею поступила новая партия зарядов 33—77—12, и был произведен острел партии зарядов на заряде полном снарядами ОФ-462 по шкале тысячных прицел 286, уровень 29—97. После острела партии зарядов командир батареи определил топодальности до центра группы разрывов для имеющейся партии 10120 м, для поступившей партии 10070 м. Определить суммарное отклонение начальной скорости снарядов для основного орудия батареи при стрельбе поступившей партии зарядов.

Задача № 2

Составить приближенный бюллетень по данным метеопоста, если известно, что высота метеопоста 90 м, измерения провели в 13 часов 30 минут, наземное давление атмосферы 759 мм рт. ст., наземная температура воздуха минус 1 градус Цельсия, направление ветра 17—00, скорость ветра 5 м/сек.

Задача № 3.

В боеукладке самоходной установки 2С1 находится 20 снарядов с весовыми знаками «—» (минус) и «Н» (нормальные), вероятность произвести выстрел со знаком «Н» равна 0,4. Сколько снарядов со знаком «—» в боеукладке?

Задача № 4.

Определить дирекционный угол на ориентир, если: истинный азимут на ориентир равен 47—95, а координаты точки составляют: широта 58 градусов 56 минут, долгота 29 градусов 27,5 минуты.

ОТВЕТЫ НА ЗАДАЧИ ПЯТОЙ СЕРИИ

Задача № 1

Вероятность попадания при одном выстреле равна 1/120.

Задача № 2

Высота цели составит 459 м.

Задача № 3

При ориентировании топопривязчика дирекционный угол продольной оси машины средний составит 29—15.

Задача № 4.

Л — 40—144—1, 2, 3, 4.
Л — 41—133—1, 2, 3, 4.
К — 40—12—1, 2, 3, 4.
К — 41—1—1, 2, 3, 4.

Беҳад мамнун

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг муддатли хизматни ўтаётган оддий аскарлар ва сержантлар учун имтиёзлар тўғрисидаги қароридан жуда руҳланиб кетдик, — дейди баҳорги чақирув бўйича аскарлик фаолиятини бошлаган Тошкент вилоятининг Бўка туманидан оддий аскар Миркомил Бойматов. — Бизнинг ҳар томонлама яхши хизмат қилишимиз учун барча шарт-шароитлар яратиб бериляпти. Биздан талаб битта: аъло хизмат қилиш.

— Мен, — дейди оддий аскар Хайрулло Очилов, — Самарқанд вилоятининг Жомбой туманидан бўламан. Янги Қонунга биноан бир йил хизмат қиламан. Ҳозир бизда ёзги мавсум ўқув машғулотлари айни авжига чиққан палла. Барча тайёргарликлар бўйича назарий ва амалий билимларимизни оширяпмиз. Бир сўз билан айтганда, ҳарб илмидан билимларимизни мукаммаллаштиряпмиз. Кайфиятимиз зўр, руҳимиз баланд.

Танлов ўз натижасини беряпти. Энг муносиблар муддатли ҳарбий хизматга олинган. Шу боисдан ҳам улар тезда аскарий ҳаётга кўникишяпти. Улар билан ишлаш ҳам осон кечяпти. Миркомил ҳам, Хайрулло ҳам муносиблар орасида эканлигидан беҳад мамнун.

А. АЗИЗОВ.

Суратда: гуруҳ командири лейтенант Умид Мирзаев ўқчи оддий аскар Хуршид Ҳақбердиевга нишонга отиш сир-асрорларини ўргатмоқда.

Александр МРУЧАК суратга олган.

БЕЛИДА БЕЛБОҒИ БОР АСКАР

Миллий армиямиз сафига ҳам жисмоний, ҳам интеллектуал жиҳатдан баркамол йигитлар саралаб олинмоқда.

Оддий аскар Ғайрат Нуриддинов ана шу талабларга тўла жавоб берадиган аскарлардан. Дастлаб у Наманган Давлат педагогика институтини тамомлаб, кейин хизмат сари отланди. Хизматга келганига энди олти ой бўлган бўлса-да, ҳарбий қисмнинг энг фаол аскарига айланди.

Ғайрат шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Мақсуд Эргашев командирлик қилаётган бўлинмада йигитлик бурчини ўтаётир.

— Мустақиллигимизнинг 12 йиллик тўйини хизматдошларим даврасида, ҳарбий қисмда кутиб олишни ўйласам, юрагим орзиқиб кетмоқда, — дейди Ғайрат биз уни суҳбатга тортганимизда.

Оддий аскар Ғайрат Нуриддинов катта телеграфчи вазифасини маҳорат билан уддаламоқда. Бўлинмада алоқани таъминлаш Ғайрат ва унинг бир қанча дўстлари зиммасида. Алоқа ҳарбий соҳанинг асосий «қон томири» бўлиб ҳисобланса, бу оловқалб йигитлар ҳарбий қисмнинг «юраги» бўлиб хизмат қилишмоқда.

Ҳарбий қисмда чиқадиган «Тиканак» ҳажвий деворий газетасидаги ижоди ҳам таҳсинга лойиқ. Биз бу деворий газета тўғрисида қизиқиб сўраганимизда, тўлқинланиб шундай дейди:

— Мен муҳаррирлик қилаётган «Тиканак» деворий газетаси ҳарбий қисмимиз ҳаётида катта роль ўйнайди. Биз унда масъулиятсиз, қолоқ аскарларни ҳажв этувчи латифа, фельетон ва карикатуралар бериб борамиз. Шу ишимиз орқали ҳарбий интизомнинг мустаҳкамланишига, миллий армиямизда шижоатли аскарларнинг кўпайишига баҳоли қудрат ҳисса қўшамиз.

У ҳурсанд бўлиб гапираркан, армия уни ижод қилишга ҳам ўргатганини, мавжуд қобилиятига туртки бўлганини айтди. Шу билан бирга газетамиз жамоасини яқинлашиб келаётган Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан табриклади.

Айтиш мумкинки, Ватанимиз посбонлари орасида оддий аскар Ғайрат Нуриддиновдек белида белбоғи бор йигитлар кўпчиликни ташкил қилади. Бунга бизнинг ишончимиз комил.

Анвар ЮСУПОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

● ФИЗПОДГОТОВКА И СОВРЕМЕННЫЙ БОЙ

ДЛЯ БОЯ, ДЛЯ ПОБЕДЫ

К концу трехкилометровой кроссовой дистанции механик-водитель рядовой Батыр Эшкабилов замедлил бег. Солдату дышалось тяжело, появилась слабость. Последние метры дались ему, как говорится, через не могу, но воин сумел преодолеть не только дистанцию, но и самого себя...

Товарищи не дали Батыру упасть духом. Все поздравляли с нелегкой победой. Особенно был рад за Эшкабилова заместитель командира группы рядовой Азиз Ташмурадов. Хвалил сослуживца за волю к победе.

Ташмурадов хорошо помнил то время, когда Эшкабилов срезал углы на кроссовой дистанции, пытался прятаться от занятий на спортивном городке. Бегать он не любил, не хватало выносливости. Это заметили и активисты подразделения, отличные специалисты старший стрелок рядовой Голиб Бозоров, снайпер рядовой Хамид Дустликов. Они объяснили ему причину слабой кроссовой подготовки, предложили свою помощь.

Рядовые Г. Бозоров, Х. Дустликов до мельчайших подробностей разъяснили Эшкабилову секреты бега на длинные дистанции. Они не просто советовали, но и демонстрировали технику бега. Опытные воины учили товарища преодолевать трудности, побеждать себя. И так день за днем. Рядовой Эшкабилов чувствовал себя все увереннее. Навыки его в кроссовой подготовке росли, техника бега шлифовалась. И вот настал тот долгожданный день, когда Эшкабилов заметно прибавил в физической подготовке, почти стал вровень с лидерами. Воин стал показывать результат на уровне третьего спортивного разряда.

Пример рядового Эшкабилова приводится не случайно. Он доказывает, что только благодаря систематическим тренировкам достигаются успехи в физподготовке и спорте. Только через преодоление трудностей лежит путь к успеху. Об этом всегда напоминает своим подчиненным и офицер Ж. Артыков.

В этом коллективе стремятся, чтобы воины в предельно короткие сроки стали сильными, ловкими. Большое внимание уделяется физической закалке молодых воинов. С первых занятий по физподготовке объясняют: мотострелку нужно много тренироваться, чтобы образцово выполнять поставленную учебно-боевую задачу. Хорошо натренированный солдат в бою непобедим. Он в состоянии побороть чувство страха, в момент опасности сможет сконцентрировать свои силы и направить их на решение сложной задачи, сумеет с честью выйти из критической ситуации. Именно так сегодня понимают роль физподготовки и новички рядовые Т. Курбонов, К. Уразов, С. Айдаров, М. Холматов.

Роль физической закалки особенно велика в наши дни. Ведь современный бой характеризуется высокой динамичностью, маневренностью, частыми и неожиданными изменениями обстановки, которые требуют от мотострелков высокой психологической устойчивости, выносливости, физической закалки. Хочется еще раз подчеркнуть, что только физически закаленный человек может в ходе боя быстро оценивать обстановку, своевременно реагировать на ее изменения. А для этого мотострелку необходимы смелость, решительность, сила и выносливость.

Многое дает солдату утренняя физическая зарядка. Она у воинов подразделения, где служит рядовой Эшкабилов, проводится с учетом воинской специальности. Мотострелки обязательно проводят насыщенную разминку, а в заключение бегут кросс. Варианты упражнений на утренней зарядке бывают разные. Вплоть до эстафетных соревнований, проходящих в духе азартного соперничества.

Основное внимание физическому совершенствованию мотострелков отводится на плановых занятиях. Проводятся они на высоком уровне, на основе передовой методики опытными офицерами и военнослужащими по контракту. Каждая минута учебного часа проходит продуктивно.

Умело используют командиры и учебное время в поле. В ходе попутных тренировок они отрабатывают с подчиненными приемы рукопашного боя.

Вполне понятно, что качество проведения занятий по физподготовке зависит не только от степени подготовленности руководителей занятий, но и от состояния спортбазы. Активисты нашли выход: в подразделениях созданы спортуголки, где каждый может позаниматься в свободную минуту.

Говоря об укреплении закалки воинов, нельзя не сказать и о таком важном направлении в физической подготовке личного состава, как массовая спортивная работа. Особенно она оживилась в летнем периоде обучения.

Общеизвестно, что спорт сплачивает коллектив, делает воинов крепче духом, а главное, помогает побеждать в бою.

В летнем периоде обучения каждый воин-мотострелок поставил задачу — повысить качество своей боевой выучки, а это во многом достигается и за счет физической подготовленности. И эта задача им вполне по плечу.

Майор Хайритдин ЗАИНИЛОВ.

Ҳарбий автомобиль назорати масъул ходими шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Баҳодир Жабборов энг тажрибали ҳарбийлардан.

Ўтган ўқув мавсумида кичик сержант гарнизондаги ҳарбий автомобиль назорати ходимлари ичида интизоми, тиришқоқлиги, ўз соҳасининг билимдони сифатида биринчи ўринни эгаллаганди. Айниқ пайтда ҳам у ўз устида жиддий ишламоқда. Бундайин ҳарбий хизматчиларнинг саъй-ҳаракати туфайли гарнизонда йўл-транспорт ҳодисалари камаяётир. Қолаверса, уларнинг талаблари натижасида ҳайдовчиларнинг техникага бўлган муносабати янада яхшиланмоқда.

Суратда: кичик сержант Б. Жабборов ҳайдовчи кичик сержант Хуршид Мамаевнинг ҳужжатларини текшириб, тегишли йўл-йўриқ бераётир.

Александр МРУЧАК суратга олган.

Военно-политические новости

ОТСТАВНОМУ ПОЛКОВНИКУ...

Колумбийский суд приговорил отставного полковника Лиино Санчеса к 40 годам тюрьмы за сотрудничество с боевиками и соучастие в убийстве 30 крестьян в 1997 году. Это самый длительный срок заключения, к которому приговорен офицер колумбийской армии.

Обвинение доказало, что Санчес сотрудничал с командиром боевиков Карлосом Костано, который также был приговорен к 40 годам заключения за резню, устроенную его людьми в одной из деревень в провинции Мета.

ВЫВОЗ БОЕПРИПАСОВ

Минобороны России приступило к вывозу российских боеприпасов и военной техники с территории Грузии. Как сообщили в минобороны Грузии, начался вывоз боеприпасов из 130-го российского военного склада в Сагареджо на востоке Грузии.

Боеприпасы и вооружение будут переданы российской военной базе, дислоцированной в армянском городе Гюмри. Вывоз содержимого 130-го склада завершится в течение 5 дней.

ИЗ ЭЛИТНОГО ПОДРАЗДЕЛЕНИЯ К...

Мексиканские спецслужбы разыскивают 31 дезертира, которые после побега из армии присоединились к одному из наркокартелей. За их поимку объявлена награда в 30 тыс. долларов.

По сведениям минобороны, сейчас солдаты работают на картель «Гулф» в штате Тамаулипас, который занимается контрабандой кокаина и других наркотиков в США. «Все дезертиры служили в одном из элитных армейских подразделений. Мы знаем, что сейчас они занимаются контрабандой наркотиков», — сообщил один из высокопоставленных мексиканских военных на условиях анонимности.

ТАЙНАЯ ЖИЗНЬ

В США водитель грузовика из штата Огайо признался, что активно сотрудничал с «Аль-Каидой» и сообщил, что собирался разрушить Бруклинский мост в Нью-Йорке.

Генеральный прокурор США Джон Эшкрофт заявил, что уроженец Кашмира Ийман Фарис, в 1999 году получивший американское гражданство, находится под арестом уже свыше шести недель.

Как отметил Эшкрофт, «в обычной жизни Фарис казался обычным водителем грузовика, но он вел и тайную жизнь, ездил в Афганистан и Пакистан, тайком встречался с Усамой бен Ладеном и вошел в число участников джихада «Аль-Каиды» против Америки». В конце концов план, суть которого состояла в подрезке тросов, поддерживающих Бруклинский мост, соединяющий Манхэттен и Бруклин, не был осуществлен. Однако, по словам американских представителей, все детали его реализации были подробно разработаны.

Сообщается, что Фарис согласился сотрудничать с правоохранительными органами США. В случае осуждения ему грозит до 20 лет тюрьмы и штраф в 500 тыс. долларов.

ПОКА РАНО

Премьер-министр Японии Дзюнъитиро Коидзуми заявил в четверг, что пока рано передавать вопрос о ядерной программе КНДР на рассмотрение Совета Безопасности ООН. Коидзуми сообщил, что «мы можем предпринять несколько шагов». Японский премьер полагает, что необходимо решать проблему в рамках многосторонних переговоров между США, Китаем и КНДР при подключении Японии и Южной Кореи. Коидзуми также приветствовал декларацию министров иностранных дел АСЕАН об отказе от программ разработки ядерного оружия.

ЗА ПРИСОЕДИНЕНИЕ К...

Сербия и Черногория высказались за присоединение к программе НАТО «Партнерство ради мира». Соответствующее письмо было послано в штаб-квартиру НАТО министром иностранных дел Югославии Гораном Свилановичем.

Свилянович сказал, что такой шаг должен помочь Сербии и Черногории осуществить реформу армии.

Программа НАТО «Партнерство ради мира» объединяет более 40 стран и является основой для сотрудничества в области безопасности между членами НАТО и государствами, не входящими в организацию.

(По страницам Интернета).

● «ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ» IV ХАЛҚАРО МУСИҚА ФЕСТИВАЛИ ОЛДИДАН

САНЪАТ МУХЛИСЛАРИ МАМНУН БЎЛАДИ

Яна бир неча ойдан сўнг Самарқандда анъанавий «Шарқ тароналари» IV халқаро мусиқа фестивали очилади. Ушбу нуфузли қўшиқ байрамига ҳозирданоқ қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Самарқанд вилоят ҳокимининг ўринбосари Йўлдош СУЮНОВ фестиваль тадориги тўғрисида ЎзА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:

— «Шарқ тароналари»да иштирок этиш истагини билдирган мамлакатлар сони йил сайин ошиб бормоқда. Нафақат Шарқ санъаткорлари, балки Европа, Америка мусиқачиларининг фестивалга катта қизиқиш билан қараётгани қувонарлидир. Бунинг сабаби — Самарқанднинг азалдан Шарқ тараққиёти ва дунё цивилизациясига муносиб ҳисса қўшиб келганида. Бу масканда халқимиз маданияти, санъати борасида бетакрор мактаб яратилганлигида. Ва, ниҳоят, бундай нуфузли халқаро анжуман юқори савияда ташкил этилаётганида.

Дарҳақиқат, шу йил январь ойида фестивалга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Республика ташкилий қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Тайёргарлик жараёни билан шуғулланувчи махсус ишчи гуруҳи тузилди.

Фестивалнинг асосий тадбирлари, одатдагидек, Самарқанд юраги бўлмиш — Регистон майдонида бўлиб ўтади. Шу боис бу масканни анжуманга тайёрлаш, атрофини ободонлаштириш юмушлари бошлаб юборилди.

Сир эмас, шаҳримизга келган меҳмонлар фақат мусиқа анжуманида иштирок этиб қолмасдан, унинг тарихий-меъморий обидаларини ҳам томоша қилишади. Шу боис Самарқанд шаҳрини фестиваль руҳига мос равишда безаш, барча маҳаллаларда давом этаётган ободонлаштириш юмушларини янада жонлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бундан ташқари, фестиваль меҳмонлари ташриф буюрадиган шаҳардаги бошқа қадамжолар — Имом Бухорий ва Мотурудий мажмуалари, Бибихоним ва Шоҳизинда ансамбллари, Улуғбек расадхонаси атрофи кўкаламзорлаштирилмоқда, уларга элтувчи йўллар таъмирланиб, безатилмоқда.

Шунингдек, анжуман тантаналарининг бир қисми ўтадиган «Мўъжиза» концерт мажмуаси кенгайтирилди, қайтадан қурилиб, ўз бағрига қариб тўрт ярим минг кишини сиғдира оладиган томошагоҳга айлантирилди. Фестиваль иштирокчиларининг шаҳарликларга ўз санъатларини намойиш этиши учун бошқа бир қатор қўшимча концерт майдонларини тайёрлаш ишлари ҳам давом этмоқда.

Фестивалнинг айрим тантаналари Самарқанд, Ургут ва Тайлоқ туманларида бўлиб ўтади. Бу уч туманда ҳам халқаро нуфуздаги анжуманлар ўтиши учун шароитлар етарли. Иштирокчи санъаткорлар чиқишини таъминлаш учун саҳналар, томошабинлар учун барча қулайликлар мавжуд.

Хорижлик меҳмонларни кўнгилдагидек кутиб олиш учун ҳам шаҳримизда етарли шароит мавжуд. Барча қулайликларга эга бўлган «Афросиёб» меҳмонхона мажмуаси бир неча юзлаб меҳмонларни ўз бағрига сиғдира олади. Қоларверса, «Зарафшон» меҳмонхонаси ҳам жаҳон андозаларига мос равишда қайта таъмирланиб, фестиваль иштирокчиларини қабул қилишга тайёрлаб қўйилди.

Бу йилги фестивалга, иштирокчилардан ташқари, беш юз нафардан зиёд хорижлик санъат шинавандалари ҳам қатнашиш истагини билдирган. Бу эса «Шарқ тароналари» мусиқа фестивалининг нафақат маданият ва санъат соҳаси вакиллари, балки хорижлик оддий санъат ихлосмандлари орасида ҳам нуфузи ортиб бораётганидан далолат. Ўз навбатида, бу ҳол биз, мезбонлар зиммасига улкан масъулият юклайди.

Шу боис уларга кўнгилдагидек транспорт хизмати кўрсатиш учун шаҳардаги «СамКочАвто» қўшма корхонасининг «Отайўл» русумли янги автобуслари тахт қилиб қўйилди. Меҳмонларга ҳамкорлик қилиш ва уларни Ватанимиз тарихи билан яқиндан таништириш мақсадида Самарқанд чет тиллар институтининг ўқитувчи ва иқтидорли талабалари таржимон-гидлик учун махсус тайёргарлик кўрмоқда.

Самарқанддаги «Нафис» ва «Бофанда» ҳиссадорлик жамиятлари томонидан тайёрланаётган «Шарқ тароналари» IV халқаро мусиқа фестивалининг рамзи акс эттирилган гўзал ва бежирим чинни буюмлар, бошқа турли ашёлар, айниқса хорижлик меҳмонларни бефарқ қолдирмаслиги аниқ.

Акбар ҚАРШИЕВ,
ЎзА мухбири.

● 2003 ГОД — ГОД МАХАЛЛИ

ОСТАВЛЯЯ ДОБРЫЙ СЛЕД

— В нашем Сергелийском районе г. Ташкента большое внимание уделяется военно-патриотическому воспитанию молодежи, — рассказывает допризывник В. Котляров. — Большую работу в этом направлении проводят районная ОСО «Ватанпарвар», районное отделение движения молодежи «Камолот», фонд «Нуроний», другие государственные и общественные организации. Мы встречаемся с ветеранами войны и труда, передовиками производства, воинами Вооруженных Сил. Такие встречи оставляют глубокий след в наших сердцах и, несомненно, оказывают влияние на рост нашей политической и трудовой активности, помогают нам лучше подготовиться к предстоящей службе.

Большой вклад в военно-патриотическую работу вносят и махаллинские комитеты. Советы ветеранов здесь возглавляют уважаемые люди Х. Окилов и В. Мирносиров. Под их руководством активисты часто выступают перед молодежью с лекциями, докладами, беседами, разъясняют им решения руководства страны в области укрепления обороноспособности, рассказывают о ходе реформирования Вооруженных Сил. Особенно хорошо потрудились члены махаллинских комитетов в ходе прошедшей весенней призывной кампании, разъясняя Закон «О всеобщей воинской обязанности и военной службе» в новой редакции.

Чтобы учить, воспитывать завтрашнюю смену, готовить ее к предстоящей службе, нужны хорошо подготовленные пропагандистские кадры, умеющие зажечь молодежь словом, увлечь интересным делом. И этому вопросу здесь уделяется самое пристальное внимание. С ветеранами войны и труда проводятся занятия по повышению их общественно-политического кругозора, проявляется неустанная забота об улучшении их материального положения и бытовых условий.

— Наши активисты, — рассказывает Х. Окилов,— проявляют заботу о том, чтобы в установленные сроки оформлялись пенсионные документы, своевременно доставлялись проездные карточки, оказывалась материальная помощь деньгами, вещами или продуктами. Стараемся создать условия для приема людей, их быстрого и безукоризненного обслуживания. Скажем, пришел к нам ветеран, страдающий тяжелым недугом. Мы решаем вопрос льготного обеспечения его лекарствами, в ряде случаев — бесплатно. Часто для решения назревших проблем ищем спонсоров среди работников фирм и предприятий.

Да, участники и инвалиды Второй мировой войны здесь на особом учете. Махаллинские комитеты совместно с райсобесом и хокимиятом Сергелийского района выработали решение о закреплении за авторемонтным заводом некоторых пенсионеров для оказания им посильной помощи. Такие же благотворительные обязательства принял на себя завод резиново-технических изделий, Национальная авиакомпания «Узбекистон хаво йуллари».

— Наш человеческий, общественный, профессиональный долг, — говорит В. Мирносиров, — всегда быть рядом, в готовности оказать помощь. А с точки зрения государственной и юридической — обеспечить людям гарантию их достойного существования.

А когда у ветеранов налажен быт, нет проблем со здоровьем, то они с открытым сердцем идут к молодежи, делятся с нею своими воспоминаниями о грозных днях войны, о героических подвигах воинов-узбекистанцев, призывают будущих защитников Родины быть достойными продолжателями славных боевых традиций старшего поколения.

Б. СЕРГЕЕВ.

Иқтисодиёт. Фан. Техника

МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁДАН — ШИФОБАХШ ДАМЛАМА

Мамлакатимизда шифобахш воситалар тайёрлашда маҳаллий хомашёдан кенг фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Тошкент фармацевтика институти олимлари бу борада самарали изланишлар олиб боряпти.

Тубулғи баргли бўймодарон мамлакатимизда кенг тарқалган ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликдир. У халқ табобатида кенг қўлланилади. Олимларимизнинг илмий изланишлари натижаси ўлароқ, мазкур ўсимликдан замонавий тиббиётда ҳам фойдаланиляпти. Унинг гулларидан тайёрланган дамлама яллиғланишга қарши, пешоб ҳайдовчи, қон тўхтатувчи восита сифатида қўл келмоқда. Эндиликда тубулғи баргли бўймодарон гулидан пакетчали дамлама тайёрлаш йўлга қўйилди.

Темир моддаси етишмовчилигидан келиб чиқадиган камқонлик хасталиги аёллар ва болаларда кўп учрайди. Мутахассислар маълумотига кўра, бундай дарднинг олдини олишда ишлатиладиган воситалар ножўя таъсирлардан холи эмас. Шу боис фармакологлар халқ табобатида ишлатиладиган доривор ўсимликлардан анемиянинг олдини олишда қўлланиладиган препаратлар яратиш борасида ҳам фаол иш олиб боришяпти.

Олимларимиз қовоқ уруғи мойини ажратиб олиш, доривор ўсимликларни маҳаллий шароитда иқлимлаштириш, андиз ўсимлигини мсъда-ичак яллиғланишида қўллаш, шифобахш гиёҳлар зараркунандаларига қарши препаратлар яратиш борасида ҳам илмий-тадқиқотлар ўтказяпти.

Б. ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири.

«МАГНУМ» УЧУН ЯНГИ МОСЛАМА

Навоий машинасозлик заводида токарлик, фрезерлик ва ёғочни қайта ишлайдиган йирик дастгоҳлар ҳамда қишлоқ хўжалиги техникаси учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилади.

Заводда «Магнум» тракторлари учун ГНУ 1-МС русумли юмшатгич тиркамалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Янги мослама ерни етмиш сантиметр чуқурликда шудгорлаш имкониятига эга. Айни пайтда вилоятдаги ширкат ва фермер хўжаликлари корхонага мослама учун буюртма бермоқда.

Бу мослама заводнинг ихтирочи-мутахассислари ва вилоят агромажмуи вакиллари билан ҳамкорликда тажриба участкасида синовдан ўтказилиб, катта самара бериши мумкинлиги исботланди.

Заводда шу билан биргаликда гўза оралиқларини чуқур юмшатадиган чизел, культиватор, «Кейс» комбайнлари учун катта ғилдирак диски, хуллас 17 хилдаги эҳтиёт қисм ишлаб чиқарилмоқда.

Е. УМАРОВ,
ЎзА мухбири.

ИДЕНТИФИКАЦИОННЫЕ КАРТОЧКИ ДЛЯ...

Более одного миллиона моряков в ближайшее время получат новые идентификационные карточки, на которых будет сохранена информация об их отпечатках пальцев. Такое решение было принято на конференции Международной организации труда (МОТ). На такой шаг организация ООН пошла для предотвращения проникновения террористических групп в индустрию морских перевозок. Генеральный секретарь МОТ Хуан Сомавия сообщил на пресс-конференции, что новые карточки обеспечат безопасность морского судоходства и послужат во благо реализации прав рабочих.

ИЛК УСИМЛИК ҚАЧОН ПАЙДО БЎЛГАН

Яқинда генетик олимлар илк ўсимликлар ер юзида пайдо бўлган вақтини аниқлашди. Илгари уларнинг ёши 480 миллиондан катта эмас, деб ҳисобланган. Аммо кейинги пайтда Пенсильвания университети тадқиқотчиларининг аниқлашларича, Ерда илк ўсимликлар бундан 700 миллион йил илгари пайдо бўлган. Оддий лишайниклар, ҳатто, бундан 1,3 миллиард йил муқаддам пайдо бўлган экан. Бунда асосий эътибор ўсимликнинг генетик тузилмасига қаратилди. Бундай хулосага олимлар ўсимлик ва тирик организмлар учун умумий бўлган 119 та генни топганда сўнг келишди. Бу генлар ўзига хос «биологик соат» сифатида олиниб, генетиклар томонидан ўсимлик ва жониворлар ёшини аниқлашга ёрдам берган.

(ЎзА ва интернет материаллари асосида тайёрланди).

Офицер бўлмоқчиман

Беҳзод кўҳна Хоразмнинг Қўшкўпир туманидан. Шарқий ҳарбий округнинг десантчилар қисмида хизмат қилмоқда. Ёшлик ғайрати, жисмоний камолот юз-кўзларида барқ уриб турадиган бу йигит десантчилар сафида эканлигидан мамнунлигини яширмайди. Чунки, бу кўп йигитларнинг орзуси бўлса-да ҳаммага ҳам насиб этавермайди.

Хизмат сафарларининг бирида Қибрай тумани мудофаа бўлими чақирилувчилари билан суҳбатда бўлганимизда икки юзга яқин йигитнинг деярли барчаси десантчилар сафида хизмат қилиш истагини билдирган эди. Бу Республикамизнинг биргина тумани мисолида. Туманлар кўп, оловқалб ёшлар эса ундан ҳам кўп. Биргина шу мисол ҳам олдий аскар Беҳзод Қориевнинг фахрланишига ҳақли эканлигини исботлаб турибди.

— Қўшкўпирдаги жисмоний тарбия коллежини тугатганман, — дейди олдий аскар Беҳзод Қориев. — Ҳарбий хизматни тугатгач, ўқишни давом эттириш ниятим бор. Ёш аскарлар йиғинида капитан Улуғбек Бўтаев, гуруҳ командирлари — катта лейтенант Иқболжон Икромов, лейтенантлар — Мираҳмад Мирзараимов, Улуғбек Қосимовларнинг аскарлар билан ишлашлари уларга нисбатан ҳурматимни оширган бўлса, кўнглимда офицер бўлиш истаги ҳам жўш урмоқда. Мен ҳам келажакда худди улардек Ватанга фидойи офицер бўлишни орзу қиламан!

Инобат ИБРОҲИМОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.

Ёзги ўқув мавсуми шароитида аскарларга берилажак озиқ-овқатнинг сифатини кучли назорат қилиш талаб этилади. Чунки ёз ҳавоси шуни талаб қилади.

Ҳарбий хизматчиларга берилиши лозим бўлган овқатни текшириш ишларига ошхона бўйича навбатчи масъулдир.

Суратда: Капитан Салоҳиддин Бердиев озиқ-овқат сифатини текшириш бўйича ошхона навбатчисига кўрсатмалар бермоқда.

Бу кўрсатмаларга амал қилиш эса ёзги мавсумда кутилиши мумкин бўлган турли нохуш воқеаларнинг олдини олиш демакдир.

Александр МРУЧАК олган сурат.

ЕЛЕУСИНОВ КОЛЛЕКЦИЯСИ

Қорақалпоғистон Республикаси ўлкашунослик музейи фонди Оролбўйида яшаётган халқлар ҳаёти, маданияти ва тарихи, фидойи фарзандлари ҳақида ҳикоя қилувчи фотосуратлар билан бойиди.

Овул одамлари, минтақа табиатининг бетакрор манзаралари, Орол денгизи муаммолари акс этган олтмишдан ортиқ фотосурат ҳамда икки минг беш юз негатив музей хазинасига топширилди.

ФИАП халқаро фотосанъати федерацияси ҳамда Европа ИСФ фотография жамияти аъзоси Мэлсс Елеусинов қирқ йиллик ижодий фаолияти маҳсули бўлган ушбу нодир суратларни музейга тақдим этди.

— Бу асарлар музей экспонатини янада бойитди, — дейди музей директори Светлана Нурабуллаева. — Махсус кўргазма ташкил этиб, уларни тез кунларда томошабинларга тақдим этамиз.

А. ОРТИҚБОЕВ,
ЎзА мухбири.

ЙЎЛЛАРГА ЭЪТИБОР ОРТМОҚДА

Йўлнинг равонлиги кўп жиҳатдан унга ётқизиладиган асфальтнинг сифатига боғлиқ. Самарқанд вилоятидаги «Афросиёб» заводи эса алмисоқдан қолган асбоб-ускуналар билан ишлаётгани боис на сифати ва на миқдори бўйича талаб даражасида асфальт етказиб бера олмаётган эди.

Хорижлик сотиб олинган янги асфальт қориштириш мажмуаси йўлсозлар олдидаги ана шу муаммони бартараф этишга қаратилган. Ушбу мажмуани ўрнатиш юмушлари тўлиқ якунланди ва у синовдан муваффақиятли ўтди. **(ЎзА).**

ШИФОХОНАДАГИ БИР КУН

Майор Анвар Ўролов командирлик қилаётган жамоа қўшни республика билан чегарага яқин туманда жойлашган. Табиийки, бу жойда сарҳадларимиз ҳимояси уларга ҳам катта масъулият юклайди. Аммо биз ҳозир бошқа бир нарса хусусида сўзламоқчимиз. Бу посбонларимизга кўрсатилаётган тиббий хизмат хусусида. Нега даб-дурустдан бу мавзуга ўтдик, демоқчимисиз? Гап шундаки, округдаги энг яқин госпитал 200 километр масофада жойлашган. Тўғри, стационар муолажа учун қисм тиббиёт пунктида шароит бор. Аммо турли шошилинч операцияларга эҳтиёж тугилиб қолса-чи? Таъкидлаш жоизки, бу борада олий тоифали врач-инфекционист Ҳамроқул Собиров етакчилик қилаётган туман марказий шифохонаси посбонларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётир. Мазкур ҳамкорликлар кўлами, марказий шифохонадаги айрим шарт-шароитлар билан қизиқиб, бош шифокор Ҳ. Собировга мурожаат қилдик.

— Ҳарбийларимиз тинчлигимиз, осойишталигимиз посбонлари. Уларнинг саломатлиги биз учун ҳам жуда муҳим. 76 йиллик тарихга эга марказий шифохонамизда зарур шарт-шароитлар бор. Тумандаги ҳарбий қисмга тезкор биринчи тиббий хизмат кўрсатамиз. Вақт-вақти билан тиббий ускуналарни стерилизация қилиб берамиз. Рентген хизматидан ҳарбийларимиз беминнат фойдаланиб келишаётир. Ички дорихонларимизда тайёрланадиган турли дориларнинг ҳам Ватанимиз ҳимоячиларига бепул берилади. Шунингдек, малакали мутахассисларимиз ҳарбий хизматчилар ўртасида тез-тез профилактик тадбирлар ўтказиб туришади. Ҳарбийларимизнинг фарзандларини ўз вақтида эмлаш ҳам бизнинг зиммамизда. Бундан ташқари ҳарбий хизматчиларнинг тиббий мутахассисликка эга бўлган рафиқаларини ҳам ишга жойлаштириш борасида тегишли шароитлар яратганмиз, — дейди жумладан у.

Қўшни республикалар билан чегарадош ҳудудларимиздан ғайритабиий зотилжам хасталигининг кириб келиш эҳтимоли борлиги сабаб, унинг олдини олиш бўйича улкан ишлар қилинмоқда. Шу жумладан биз тилга олаётган туман марказий шифохонасида ҳам. Маълумотларга кўра, туманда кейинги йилларда юқумли касалликлар ҳажми 10 бараварга камайган. Ғайритабиий зотилжамнинг олдини олиш бўйича ҳам чоратадбирлар кўрилган.

Тиббиёт соҳасида нодавлат секторини ривожлантириш бу йўналишдаги ислоҳотларнинг муҳим қадами бўлди. Туман марказий касалхонасига қарашли хўжалик ҳисобидаги асаб касалликлари бўлимида бўлганимизда буни яққол ҳис этдик. Бўлимни 22 йиллик иш стажига эга биринчи тоифали невропатолог Жаббор Курбонов бошқараяпти. Маълумки, кейинги пайтда дунёдаги ижтимоий, табиий омиллар инсониятда асаб хасталиклари авж олишига сабаб бўлмоқда. Бўлимда асаб хасталикларини даволашнинг энг замонавий усуллари мавжуд. Игна билан даволаш дейсизми, мануал массажми, замонавий физиотерапиями...

— «Инсон соғлигининг девори асаб», деган эди профессор Мажидов. Қатор анжуманлар, малака ошириш курсларида бўлиб, мазкур хасталикни даволашнинг замонавий услубларини ўргандим, Шоназар Собиров, Сайёра Арслонова сингари малакали врачларимиз, Рохат Жумаева, Ойпора Фармонова, Зуҳро Худойқулова, Ўғилой Ҳожиева каби қўли енгил ҳамширалариимиз беморларнинг тезда шифо топишларида фидойилик кўрсатишмоқда, — дейди бўлим мудири.

— Ўғлим офицер, Қуролли Кучларимиз сафида бир неча йилдан бери хизмат қилаяпти. Газетангиз орқали мени даволаётган шифокорларга миннатдорчилик билдирсам. Айниқса, бўлим мудирининг беморларга ширинсуханлиги, муомаласини айтмайсизми. Шунинг ўзи биз сингари беморлар дардига малҳам бўлаётир, — дейди Гулнора Қурбонова.

Шунингдек, беморлардан — Хусейн Давлетов, Зилина Раззоқовалар ҳам бу фикрларни тасдиқлаб, шифокорларни дуо қилишди.

Шуйда врачнинг очиқ чеҳраси беморнинг соғаи бошланиши демакдир, деган ҳақиқатнинг моҳиятини кўпроқ тушундим.

Очиғи, мақсадимиз асосан ҳарбийларимиз билан ҳамкорликлар хусусида сўзлашиш эди. Бироқ инсонларга эзгу ишлари билан нафи тегаётганларнинг бир оз бўлса-да суҳбатини олмасдан кетолмасдим. Буни қарангки, Жаббор ака Курбонов билан ҳайрлашаётганимизда тасодифан унинг ўғли Жалолиддин билан таниш қолдим. Лицей талабаси бўлган бу ўғлон яқин кунларда Японияда бўлажак математика бўйича халқаро олимпиадада қатнашаркан. Аввал малакали шифокор сифатида кашф қилган бўлсам, энди жамиятимиз учун фидойи бир инсон сифатида кашф қилдим уни. «Сермазмун кун» деб ёзиб қўйдим шифохонада кечган бу онларни ёндафтарчамга қайд эта туриб.

Капитан Алижон САФАРОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

● ШАРҲЛОВЧИ МИНБАРИ

Шимолий Кореяга қарши янги чоралар

Шимолий Кореянинг ядровий муаммоси ҳамон долзарб бўлиб турибди. Устигаустак, халқаро ҳамжамиятни Шимолнинг оммавий қирғин қуролларини ишлаб чиқараётганидан ташқари, бошқа мамлакатларга тарқалиши билан боғлиқ муаммо ҳам қаттиқ ташвишга солаётир.

Куни кеча Мадрид шаҳрида АҚШ раҳбарлигида 11 давлат вакиллари учрашди. Учрашувда Шимолий Кореянинг ядровий муаммоси билан боғлиқ масала муҳокама этилган.

Гап шундаки, сўнгги пайтларда Шимолий Кореянинг оммавий қирғин қуролларини тайёрлашда ишлатиладиган материалларни хорижий мамлакатларга яширинча экспорт қилаётгани ҳақда маълумотлар пайдо бўлмоқда. Айниқса, Пхенянниинг оммавий қирғин қуролларини тарқатмаслик бўйича халқаро шартномадан чиқиши, мазкур айбларнинг кучайишига сабаб бўлаётир.

Австралия ташқи ишлар вазири Александер Даунернинг таъкидлашича, АҚШ раҳбарлигидаги мазкур давлатлар Шимолий Кореяга қарашли кемаларни тўхтатиш ва текшириш чораларини ишлаб чиқаётир.

Ўтган ҳафта Гонолулу шаҳрида ҳам АҚШ, Япония ва Жанубий Корея ташқи сиёсат маҳкамалари вакилларининг учрашуви бўлиб ўтганди. Ўшанда ҳам Шимолий Кореянинг ядровий дастури учрашувнинг асосий мавзуси бўлганди. Учрашувда иштирокчилар Шимолни очиқдан-очиқ наркотик моддалар ва қалбаки пуллар билан савдо қилаётганликда айблади.

Кемаларни текширувдан ўтказиш чоралари фақат Шимолий Кореяга тегишли эмас. Бироқ мақсад КХДР дан йўлга чиққан кемаларда бундай хавфли материалларнинг бошқа мамлакатларга етказилишига йўл қўймаслик. Яъни оммавий қирғин қуролларини ишлаб чиқаришда ишлатиладиган материалларнинг ноқонуний савдосига чек қўйиш.

А. Даунернинг таъкидлашича, мазкур чоралар кемалар ва юк самолётларини назорат қилиш ҳамда бундай хуфёна савдога қарши миллий ва халқаро қонунчиликни янада қатъийлаштиришга қаратилган. Бироқ масала Шимолий Кореяни қамал қилиш ҳақида кетаётгани йўқ, деди у.

Шунга қарамай, расмий Пхенян ўзига нисбатан қўлланилиши режалаштирилаётган ушбу чорани Шимолий Кореяни қамал қилиш, деб баҳоламоқда. Пхеняндан маълум қилинишича, агар АҚШ ва унинг иттифоқчилари Шимолий Кореяга қарши мазкур чораларни қўллайдиган бўлса, Пхенян куч ишлатиш йўли билан қарши зарба беради.

Шимолий Кореяда чоп этиладиган «Нодон Синмун» газетасининг ёзишича, агар АҚШ Шимолий Кореяни қамал қилишга уринса, Пхенян ўзида мавжуд барча имкониятни ишга солиб бўлса-да, муносиб зарба беришга қодир.

Сандмурод РАҲИМОВ,
ЎзА шарҳловчиси

Ғайриоддий зотилжам хавфи чекинмоқда

Хитойнинг жануби-шарқий вилоятлари ва унга туташ ҳудудларда ғайриоддий зотилжам вируси тарқалишининг секинлашгани кузатилмоқда. Касаллик ўчоқларидан бири бўлиб турган Гонконгда сўнгги беш кун ичида шифокорлар хасталик вирусини ўзига юқтирган бирорта беморни қайд этмади.

Бироқ вируснинг кенг тарқалиши минтақа мамлакатлари иқтисодиётига заарар етказиб улгурди. Шимолий Кореяда касаллик аломатлари кузатилмаган бўлса-да, мамлакат анча иқтисодий зарар кўрди. КХДРдан Хитойга барча йўналишлар бўйича самолёт қатновни тўхтаб қолди. Гонконг ва Сингапурга сайёҳлар умуман келмай қўйди.

Айни пайтда эса жаҳон сайёҳлари яна ўз эътиборини жануби-шарқий Осиё мамлакатларига қаратмоқда.

Бироқ айрим мутахассислар вирус тарқалиши секинлашганидан қувонишга ҳали эрта эканини айтаётир. Хусусан, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Пекиндаги бўлими раҳбари Роберт Дитц журналистлар билан учрашиб, ғайриоддий зотилжам хавфидан бутунлай халос бўлиши учун Хитойга яна бир йил керак бўлишини таъкидлаган. Унинг фикрича, вирус тарқалиши яна олдинги ҳолига қайтиш эҳтимоли бор. Шунинг учун ҳар қандай шароитда ҳам ҳушёрликни йўқотмаслик зарур.

Яқинда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг қароргоҳи жойлашган Женева шаҳрида мазкур масалага бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Маълум бўлишича, ҳозир Пекин шаҳри касаллик маркази бўлиб турибди. Шунинг учун бу ерда вирусдан тозалаш ишлари янада кучайтирилган.

Маълумотларга кўра, айни вақтда Гонконгдаги «Мандарин Филмс» киностудияси режиссёрлари ғайриоддий зотилжам ҳақидаги ҳужжатли фильм устида иш олиб бормоқда. «САРС шаҳри» деб ном олган мазкур фильмни июль ойида телеэкран орқали намойиш этиш режалаштирилган.

Хуллас, касаллик тарқалган ҳудудларда кўп одамлар ҳамон азият чекаётир. Лекин, шу ҳолни кузатиш мумкинки, вирус тарқалиши секин-аста пасаймоқда.

Фазлиддин АРЗИЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

Маданий—маърифий ишларга эътибор

Қуролли Кучларимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида маданий-маърифий ишларга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада ҳарбий жамоалардаги офицерлар уйи, клуб ва кутубхона хизматининг ўрни катта. Шу муносабат билан Мудофаа вазирлиги томонидан ҳар йили ушбу маданият ўчоқларининг хизматчилари учун услубий ўқув йиғини ўтказилади. Бу йил ҳам уч кун давомида Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм ва муассасалари офицерлар уйи, клуб бошлиқлари ва кутубхона мудиралари иштирокида услубий ўқув йиғини бўлиб ўтди.

Дастлаб, Қуролли Кучлар Офицерлар марказий уйида бошланган ушбу йиғин Мудофаа вазирлиги маданий ишлар хизмати — Қуролли Кучлар Офицерлар марказий уйи бошлиғи подполковник Б. Тўйчиевнинг кириш сўзи билан очилди. Йиғинда биринчи бўлиб сўз олган Мудофаа вазирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари полковник М. Аҳмедовнинг «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм ва муассасаларида маданий-маърифий ишларнинг аҳволи ва уларнинг самарасини ошириш бўйича офицерлар уйи, клуб ва кутубхоналарнинг вазифалари» мавзуидаги маърузаси йиғин иштирокчилари томонидан катта қизиқиш билан тингланди. Шундан сўнг йиғилганлар республика «Маънавият ва маърифат» маркази, республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Маданият ишлари вазирлиги ҳамда республика Хотин-қизлар қўмитаси вакилларининг миллий истиқлол ғояси, ёшларни маънавий-ахлоқий ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ва уларнинг интеллектуал салоҳиятини ўстиришда кутубхоналарнинг аҳамияти ҳамда маданий ишларнинг янги усул ва услубларини қўллаш, шунингдек интизом ва ҳарбий хизматчиларнинг оилаларини мустаҳкамлашда хотин-қизлар кенгашининг ўрни каби бир қатор аҳамиятли масалаларга бағишланган маърузаларидан баҳраманд бўлишди. Куннинг иккинчи ярми ҳам маданий-маърифий ишларни ташкил этиш юзасидан ушбу йўналишдаги нуфузли вазифаларда хизмат қилаётган офицерларнинг долзарб мавзудаги суҳбатларига бағишланди ҳамда клуб бошлиқлари ва кутубхона мудиралари ва кутубхона мудиралари ва кутубхона мудиралари касбий маҳоратларини аниқлаш учун тест синовлари ўтказилди.

Услубий ўқув йиғинининг иккинчи куни алоқачилар ҳарбий қисмида Мудофаа вазирлиги маданий ишлар хизмати бошлиғининг ўринбосари подполковник М. Абиловнинг кириш сўзи билан давом этди. Куннинг биринчи ярмида ўқув йиғини иштирокчилари умумий тарзда маърузалар тинглашган бўлса, куннинг иккинчи ярмида гарнизон офицерлар уйи бошлиқлари, клуб бошлиқлари, кутубхона мудиралари учун алоҳида йиғинлар ташкил этилди. Албатта, бу ўқув йиғинини ўтказишдан мақсад ҳарбий жамоалардаги маданий-маърифий ишларни янада яхшилаш, йил давомида қилинган ишларнинг ҳисоботини кўриб чиқиш, амалда бажарилмаган ишлар юзасидан чора-тадбирлар белгилаш, янги иш услубларини жорий этиш каби бир қатор эзгу амалларни татбиқ этишдир. Шунинг учун тадбир иштирокчилари ўқув йиғининнинг иккинчи кунида ҳам бажараётган вазифалари учун аҳамиятли бўлган маърузалар тинглаб, баҳс-мунозаралар орқали ўзаро фикр алмашишди.

Услубий ўқув йиғинининг учинчи — сўнгги куни ҳам ишчанлик руҳида ўтди. Куннинг биринчи ярмида гарнизон офицерлар уйи бошлиқлари Офицерлар марказий уйида, клуб бошлиқлари алоқачилар ҳарбий қисмида, кутубхона мудиралари эса Қуролли Кучлар Академиясида ўз вазифалари юзасидан ўзига хос малака ошириш дарсларида иштирок этишди. Куннинг иккинчи ярми йиғин иштирокчилари учун ҳаяжонли дақиқаларга бой бўлди, десак, янглишмаймиз. Улар алоқачилар ҳарбий қисмидаги умумий йиғинда маданий-маърифий ишлар юзасидан сўнгги маърузаларни тинглаш билан бирга, касбий маҳоратларини аниқлаш юзасидан ўтказилган тест синовларининг натижаларига ҳам эга бўлишди. Подполковник Б. Тўйчиев услубий ўқув йиғининнинг якунлари тўғрисида гапириб, уч кун давомида ўтказилган бу тадбир амалиётда ўзининг салмоқли натижаларини беришига ишонч билдирди. Фаол маданий ишлар ташкилотчилари Фахрий ёрлиқ ҳамда пул мукофотлари билан тақдирланди.

Услубий ўқув йиғининнинг аҳамияти тўғрисида тўхталиб ўтадиган бўлсак, бу йиғин ҳарбий жамоалардаги маданият ўчоқлари ишини юргизиб турган хизматчилар учун катта таянч, беминнат ёрдам, албатта. Бироқ, ўқув йиғинига баъзи гарнизон вакилларининг, тўғрироғи айнан иш фаолияти яхши деб топилмаган клуб бошлиқлари ва кутубхона мудиларининг қатнашмаган ҳолати бўлди. Кутубхона нафақат ҳарбий қисмнинг, балки ҳарбий қисм етакчиларининг ҳам қай даражада маърифат ва маданиятга эга эканликларидан далолат бериб турувчи маскан. Шунинг учун ҳарбий жамоалардаги маданий-маърифий ишлар савиясини ўша ердаги кутубхонага қадам қўйган илк дақиқаданоқ англаб етиш мумкин. Мавзуимиз сўнггида Қуролли Кучларимиз салоҳиятида асосий ўринда турувчи маданий-маърифий юксаклиқни жорий этиб турган ходимларга омад тилаймиз ва албатта.

Зулфия ЮНУСОВА.

ХАНДАЛАР

— Кеча хотининг билан ўртангизда бўлган жанжал нима билан тугади?

— У менинг олдимда тиз чўкди.

— Ийғ-э. Нима деди?

— Кроватнинг тагидан чиқ, қўрқоқ, — деди.

***

Ресторанда:

— Официант, менга олиб келганингиз шўрва эмас, қандайдир сув-ку!

— Қандайдир эмас, қайнатилган...

***

— Менимча, чекувчилар дунёда энг сабр-тоқатли кишилар бўлса керак.

— Нега ундай деяпсан?

— Чунки улардан ҳеч бири чекмайдиганлар устидан шикоят қилмайди...

***

Хотин:

— Сен мени севмайсан ва ҳеч қачон севмагансан. Қасам ичиб айтишим мумкин: мен ўлсам сен дарров уйланиб оласан.

— Қасам ичиш шарт эмас. Мен сенга шундоқ ҳам ишонаман.

***

— Сизнинг қизингиз менга турмушга чиқишга рози бўлди.

— Ўзинг айбдорсан. Бу ерга ҳар куни келиб нима қилардинг...

М. САЙДИВАЛИЕВ тайёрлаган.

Халқимизда шундай тушунча мавжудки, армияга бориб келган, йигитлик бурчини ўтаб келган йигитга алоҳида ҳурмат билан қарашади. Бу бежиз эмас.

Хизмат қилиб келган йигитлар кўп ҳолларда бутунлай ўзгариб кетишади. Чунки ҳарбий хизматда йигит мустақил ҳаёт мактабини кўради. Қайсидир маънода ҳаётни ўрганади.

Шу жумладан оддий аскар Янгибой Бекимбетов (ўнгда) ва оддий аскар Маҳмуд Ашуров (чапда)лар ҳам армияга келиб, ана шу жараёнларни бошдан кечиришаяпти.

Бу йигитлар ҳарбий тайёргарликда яхши натижаларга эришишди. Кийимларини тоза ва озода тутишга одатланишган. Маниий хизмат хонасидаги кўргазмали воситалар ҳамда дўстларининг маслаҳат ва кўрсатмаларидан ҳарбий либосни қандай тутишни ўрганишган бўлса, ҳозирда ўзлари ҳам бошқаларга ўрнак бўла олади.

Александр МРУЧАК олган сурат.

● ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

Никулиннинг жиззахлик шогирди

Жиззах шаҳрида ҳеч бўлганмисиз? Йўқ деяпсизми? Ундай бўлса Жиззахнинг «Никулин бова»сини ҳам танимайсиз. Демак, барини бир бошдан сўзлаб беришимизга тўғри келади. Мен ҳам даставвал у ҳақда эшитганимда, қулоқларимга ишонмадим. Ҳатто ҳайратимнинг «ҳарорати» ошди, десам ҳам муболаға бўлмайди.

Баҳорги чақирув авж палласига чиққан пайт. Хизмат сафари билан Жиззах вилоят мудофаа ишлари бошқармасига бордим. Қоровул менинг ким эканлигим, қаердан келганимни навбатчига билдириб, ичкарига киришга рухсат олгач, негадир «мухбир ука, бир суҳбатингизни олишим керак», деди. У шунчаки айтдими ё юрагида биронбир гапи борми, билолмадим. Очиғи, бир оз шошиб турганим учун эътибор бермадим. Эски танишим — майор Шароф Бобоев мени қарши олгач, «Никулин бовамиз кутиб олдими сизни?», деди мийиғида кулимсираб. Шунда қоровулнинг нега мен билан бафуржа суҳбатлашиш нияти борлигини англагандек бўлдим. Кўнглимга тугиб қўйдим: «албатта у билан суҳбатлашаман». Ният холис-да, буни қарангки эртасига чақирилувчиларнинг армия сафларига назбатдаги кузатувида ўша одамни учратиб турибман. Яъни, у тўнғич ўғли Ваҳобжонни Қуролли Кучларимиз сафига кузатаётганди. Келинг, яхшиси уни сизга ҳам таништириб, мақолани давом эттирсак. Бозорбой ака Имомов, Жиззах шаҳридан. Еши бир кам эллиқда. Қолган маълумотларни мақола давомида билиб оласиз. Суҳбат аввалидаёқ Бозорбой ака сабрим чидамаётгани, уни нега «Никулин бова» дейишларини билгим келаётганини сезиб, ўша тарихий воқеани сўзлаб берди.

1972 йил, Бозорбойни армия сафларига олишди. Дастлаб Чирчиқда ёш аскарлар йиғини бўлди. Сўнгра Волгоградга ўқишга жўнатишди. Бозорбой шаҳарлик эмасми, рус тилида сўзлаша олади, ақалли фикрини тушунтира билади. Шу сабабли командирлар эътиборига тушди. Тақдир тақозосини қаранг, ўқиш тугагач, Ростов-дон вилоятига кино суратга олиш полкига тушди. «Полковник Болгин деган офицер бизга командирлик қиларди», дея хотирлайди Бозорбой ака. Хуллас, икки ойлик махсус тайёргарликдан сўнг уларни Волга дарёси бўйига, Калицкий районига олиб боришди. Шунда оддий, навқирон ўзбек ўғлонининг ҳаётида муҳим воқеа рўй берди. Унинг асарларини мактаб йилларида қўлдан қўймай ўқирди. Мана, энди ўша машҳур ёзувчи Михаил Шолохов билан юзма-юз туришибди. Ёзувчи аскарларга бошидан ўтган кўплаб қизиқ воқеалар, уруш тафсилотлари ва шундай воқеалар асосида «Улар Ватан учун курашган» фильми сценарийсини ёзганини сўзлаб берди. Шунда Бозорбой масаланинг моҳиятига тушунди: «Демак, биз кино суратга олинишига ёрдам берамиз». Хуллас, фашистлар билан қақшатқич жанглар кечган Волга дарёси соҳилида фильмни яратиш ишлари бошланди. Омадни қаранг, ўзбек ўғлонига ўз даврининг таниқли санъаткорлари — Вячеслав Тихонов, Нонна Мордюкова, Владимир Шукшин, Волков, режиссёр Сергей Бондарчуклар билан елкама-елка туриб ўша тарихий фильмни суратга олиш жараёнида қатнашиш насиб этди. Унинг Юрий Никулин билан танишгани, қадрдон бўлгани эса алоҳида мавзу. Шундай бўлса-да сўзлаб бера қолайлик. Бозорбой табиатан ҳар нарсага қизиқувчан, уқувли бола эди. Окоп қазиш вазифаси топширилгач, сафдошлари билан ишга киришди. Уруш кечган жой эмасми. Аскарларнинг жасадлари, суяклари топилди. Ўзбек, бунинг устига мусулмон фарзанди эмасми, устихонларни ваайлаб олиб, ўзича тиловат қилиб, тоза бир жойга кўмди. Очиғи, кўзлари ҳам бир оз ёшлангани бор гап. Яъни, ўша лаҳзаларда иккинчи жаҳон урушида бедарак кетган поччаси ҳаёлидан ўтганди: «Қайсидир жангчоҳда жасадингиз қолиб кетгандир. Худди мана шу марду майдонлардек». Қизиғи шундаки, ўғлоннинг бу хатти-ҳаракатини режиссёр Бондарчук кузатаётган экан. Дарҳол олдига чақириб, фильмда роль ўйнашга таклиф этди: «Бу болада бир нарса бор», деб қўйди атрофидагиларга. Шу-шу Бозорбой турли эпизодларда суратга туша бошлади. Айниқса, партизан ролида ўйнаганда таниқли санъаткор Юрий Никулин билан ёнма-ён суратга тушди. «Ҳазилкаш, қизиқчи одам эди. Мен ҳам ўз навбатида ҳазил-ҳузул қилганим унга маъқул келдими, мени ўзига яқин олди. Қарабсизки, бағрикенг, самимий бу инсон билан тезда қадрдон бўлиб қолдик», дейди Бозорбой ака ўша кунларни хотирлаб. Бу фильм бир йилу тўрт ой суратга олинди. Шу муддат ичида мақоламиз қаҳрамони Никулин билан ота-бола, устоз-шогирд тутинишди. Фильмнинг яратилиш жараёнидан сўзловчи тарихий фотосуратлар бўлмаганда балким баъзилар Бозорбой акага ишонмаслиги мумкин эди. Очиғи, фильмни тасвирга олиш жараёнидаги фотосуратларни съёмка майдончасидан олиб чиқиш тақиқланганди. «Булар биз учун тарих, эсдалик дея озгина шумлик ишлатиб, «артист»лик қилиб, этигимнинг ичига солиб, олиб чиққанман», дейди у. Хуллас, муддатли ҳарбий хизмати давомида болаликдаги артистлик қобилиятини янада оширди, Никулиндан оқ фотиҳа олди. Армиядан қайтгач, ўша суратларни кўрган танишлари унга «Никулин» дея лақаб



қўйишди. Кексая бошлагач, яъни шу кунларда «Никулин бова»га айланди.

Бозорбой ака манманликни ёқтирмайди. «Мен фалончи билан фалон фильмда суратга тушганман», дея мақтаниши, артистликни даъво қилиши ҳам мумкин эди. Аммо маҳалла-кўй олдида, маъракаларда ҳазилмутойиба қилиб, одамларга кулгу улашиб юраверди. Яъни, кўп йиллар давомида ҳайдовчилик қилди. Орадан 12 йил ўтиб, Юнус Ражабий номидаги вилоят опера ва драма театрига қоровул бўлиб ишга кирди. Театр режиссёри Равшан Йўлдошев Бозорбой акадаги санъатга бўлган қизиқишни илғаб, юрагига қўл солган эди, ўша тарихий воқеа беихтиёр «дастурхон» қилинди. Шу-шу режиссёр унга турли роллар бера бошлади. Ногиронлар кунида саҳнага қўйилган асарда рассом ролини қойилмақом бажарди. Ғафур Ғуломнинг «Елғиз она» асари асосида суратга олинган видеофильмда почтачи образини яратди. Шу тарзда Никулиннинг шогирди санъатга қайтди.

— Тўрт йилдан буён бир йўла вилоят мудофаа ишлари бошқармасида ҳам қоровуллик қиламан. Армияга кетаётган болаларимизга оқ фотиҳа бераман. Қизиқ-қизиқ ҳангомалардан сўзлаб, кўнглини кўтараман. Тўнғичим Ваҳобжон бухгалтерлик ихтисослигини эгаллаган. Унга ҳам қизиқчиликдан юқтирган. Хизматга кузатаяпмиз, онасининг йиғлаётганини кўриб, ҳазил-ҳузул қилади. Ишқилиб, бурчини аъло даражада ўтаб қайтсин, — дейди Бозорбой ака.

Биз сизга энг муҳимини айтмадик. 1997 йилда, Никулин «Цирк» клубида ўзининг 70 йиллик тўйини нишонлаганда Бозорбой Имомовга ҳам таклифнома йўллади. Бозорбой ака шароити тўғри келмагани учун бора олмаганидан афсусланса ҳам, машҳур артистнинг уни хотирасидан чиқармаганидан шодланди.

Мана энди сиз ҳам Жиззахнинг «Никулин бова»сини қаердан топишни биласиз. Ҳеч бўлмаганда мақоламиз орқали уни кашф этгандирсиз.

Капитан Алижон САФАРОВ, «Ватанпарвар» мухбири.

СКАНВОРД



Тузувчи: Жамолиддин Шахамутдинов.

Мунажжимлар башорати

ҚУЙ. Ажойиб ишчан кайфиятда бўласиз. Хизмат бобида жисмоний ишни бажарганингиз сабабли муваффақиятга эришасиз. Хизмат сафарига боришингиз мумкин. Маблағ борасида қийналсангиз, дўстингиздан қарз олинг. Командирларга ҳозирча мурожаат қилмай туринг. Чоршанба, пайшанба ва жума—омадли кунлар.

БУЗОҚ. Муҳим ўзгаришлар бўлишини сезасиз. Хизмат бўйича сафарлар ва ҳужжатларни расмийлаштириш муваффақиятли бўлади. Ўз соғлиғингиз билан шуғулланишнинг айни вақти. Четдан маблағ келиши мумкин. Сафдошларга эътиборли бўлинг. Сешанба ва якшанбада омад сизга ёр бўлади.

ЭГИЗАКЛАР. Бу ҳафтада омадингиз келиши кутилмоқда. Ҳеч нарса ўйлаб топманг, ҳаммаси ўз-ўзидан ҳал бўлади. Фақат «мен» деб, бошқалар билан баҳслашманг. Хизматда ҳам муваффақиятга эришасиз. Ҳаётингизни бир маромда давом эттиринг — яхши натижага эришасиз. Оилада ҳам ҳаммаси жойида. Сиздан олинган қарзни қайтаришлари мумкин.

ҚИСҚИЧБАҚА. Маблағ борасида дўстлар ёрдам беришади. Сафдошлар билан муносабатлар кўнгилдагидек давом этади. Командирлардан ҳозирча узоқроқда бўлинг, акс ҳолда бировлар хатоси учун жавобгар бўлиб қоласиз. Оилада яхши муносабатлар. Сешанба — сиз учун муваффақиятли кун бўлади.

АРСЛОН. Ҳарбий жамоанингизда ва оилада ажойиб ўзаро муносабатлар. Узоқ муддатли хизмат сафарлари тавсия этилмайди. Дўстингиз маблағни яхши ишга жойлаштиришда ёрдам беради. Соғлиғингизга кўпроқ эътибор қаратинг. Хизмат бобида муаммолар бўлмайди. Душанба ва пайшанба — сиз учун омадли кунлар.

ПАРИЗОД. Дўстлар ва сафдошлар ёрдами ҳамда қўллаб-қувватлашига умид қилишингиз мумкин. Хизматда анчагина ютуқларга эришасиз. Қўшимча маблағ ҳам тушиши мумкин. Севги бобида ҳам ҳаммаси яхши бўлади. Ҳуқуқий масалаларни ҳал қилишга ҳозирча ҳаракат қилманг. Жума — сизга омад келтирувчи кун.

ТАРОЗУ. Ўзингизга кўп нарсани олманг. Муҳим қарорлар қабул қилманг. Хизмат бўйича сафарлар ва музокаралар муваффақиятли бўлади. Аммо узоқ муддатли сафарлар тавсия этилмайди. Сафдошлар ва командирлар билан муносабатлар кўнгилдагидек давом этади. Чоршанба, жума ва шанба — сиз учун омадли кунлар.

ЧАЁН. Умуман, бу ҳафтада ишларингиз яхши бўлади. Хизмат бурчингизни виждонан, ҳалол бажаринг, шунда муваффақиятга эришасиз. Хизмат сафарлари ва музокаралар муваффақиятли бўлади. Командирларга мурожаат қилиш учун яхши давр. Соғлиғингизга эътибор қаратинг, акс ҳолда муаммолар келиб чиқиши мумкин. Шанба ва якшанбада омад сизга ёр бўлади.

ЎҚОТАР. Турли хил можаролар ва муҳим қарорлар қабул қилишдан узоқроқда бўлинг. Маблағ борасида ҳаммаси яхши бўлади. Сафдошлар ва командирлар билан муносабатлар ишчан руҳда давом этади. Умуман, ҳафта сиз учун тинч бўлади. Ҳеч кимни алдаманг — ҳаммаси ошкор бўлади. Чоршанба ва якшанба (кундузи) — омадли кунлар.

ТОГ ЭЧКИСИ. Мансаб борасидаги ва командирлар билан ҳал бўладиган бошқа ишлар кўнгилдагидек давом этади. Уйда ҳам ҳаммаси жойида, ҳатто анча яхши бўлади. Хизмат ва ўқув тайёргарликлари бўйича муваффақиятга эришасиз. Сафдошларга кўпроқ ёрдам беришга ҳаракат қилинг. Душанба ва чоршанбада омад сизга ёр бўлади.

ҚОВҒА. Енгил қўшимча даромадга эришишингиз мумкин. Дўстингиз ёрдами ва қўллаб-қувватлашига умид қилишингиз мумкин. Умуман, яхши, ишчан кайфиятда бўласиз. Қувватингиз пасаяди, ҳеч кимга ёлғон гапирманг. Командирлар билан норасмий шароитда мулоқотда бўлишингиз мумкин. Чоршанба, пайшанба ва шанба — муваффақиятли кунлар.

БАЛИҚ. Асосий иш бўйича яхшигина даромадга эришасиз. Дўстингиз ҳам маблағ борасида ёрдам беради ёки қўшимча иш топади. Сафдошлар билан муносабатлар яхши давом этади. Командирларга ҳозирча мурожаат қилмай туринг — кейинроққа қолдиринг. Пайшанба ва якшанба — сиз учун омадли кунлар.

● ФУТБОЛ. УЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНАТИ. ОЛИЙ ЛИГА.

ПЕШҚАДАМЛАР ИЛГАРИЛАБ КЕТДИ

Мамлакатимизнинг саккиз стадионида футбол бўйича олий лига жамоаларининг 13-тур беллашувлари бўлиб ўтди. Голларга бой бўлган ушбу турда мусобақа пешқадамлари ўз майдонида тўп сурди.

13-турнинг энг сермаҳсул ўйини — «Пахтакор» — «Сурхон» беллашувида футболчилар дарвозаларни олти маротаба ишғол қилди. Учрашув тақдирини биринчи бўлимнинг ўзидаёқ Анвар Солиев ҳал қилди. У танафусгача «Сурхон» дарвозасини икки марта аниқ нишонга олди. Иккинчи таймда ҳам пахтакорчилар тўла устунлик қилди. Натижада З. Тожиевнинг иккита ва Л. Кошелевнинг бир голига «Сурхон» футболчилари атиги бир марта жавоб қайтара олди. Бу учрашув 5:1 ҳисобида мезбонлар фойдасига ҳал бўлди. Маглубиятдан сўнг сурхондарёликлар турнир жадвалида ўртамиёналар сафига тушиб қолди.

Ўтган турда А. Бердиевнинг жароҳати туфайли энг сермаҳсул ҳужумчидан айрилган «Нефтчи» Фарғонада «Самарқанд-Д» жамоасини қабул қилди. Учрашувда самарқандликлар 2:0 ҳисобида маглубиятга учради.

Худди шундай ҳисоб Зарафшонда қайд этилди. Бу йил ҳам медалли ўринлар учун курашаётган «Қизилқум» аутсайдерлардан бири — «Гулистон» дарвозасига жавобсиз иккита тўп йўллади.

Бу мавсумда мамлакат кубоги ва совринли ўринни қўлга киритишни мақсад қилган «Насаф» футболчилари ҳам меҳмонлар устидан йирик ҳисобда ғалабага эришди. Қашқадарёликлар жадвалнинг сўнгги погонасига муқим жойлашиб олган «Қўқон» жамоаси дарвозасини тўрт марта ишғол қилди.

Энг кутилмаган натижа Наманганда қайд этилди. 11 июнь куни Ўзбекистон кубоги мусобақаси ярим финалида ўз майдонида «Насаф»га 1:2 ҳисобида имкониятни бой берган «Навбаҳор» футболчилари ҳеч бўлмаганда чемпионат беллашувларида мухлисларини хурсанд қилиши лозим эди. Қолаверса, рақиб ҳам кучли эмасди. Бироқ «Трактор» футболчилари «Навбаҳор»га қарши муносиб ўйнади. Беллашув 1:1 ҳисобида якунланди.

«Сурхон» ва «Навбаҳор»нинг очко йўқотишидан унумли фойдаланган «Дўстлик» ўз уйида қўлга киритилган уч очко эвазига бешинчи ўринга кўтарилиб олди. Мавсум бошида бир қанча етакчи жамоалардан очко олиб, анчагина шовшувга сабаб бўлган олий лига дебютанти — «Цементчи» — «Дўстлик»ка 3:1 ҳисобида имкониятни бой берди.

Ўтган турда «Самарқанд-Д» жамоасини сафарда маглуб этиб келган «Бухоро» футболчилари бу гал ўз майдонида тўп суришига қарамай меҳмонларга очко улашишга мажбур бўлди. «Бухоро» — «Андижон» учрашувида ҳар икки жамоа дарвозаси бир мартадан аниқ нишонга олинди — 1:1.

Ўз мухлислари кўз ўнгида маглубиятга учраган ягона жамоа Бекободнинг «Металлург»и бўлди. «Металлург» — «Машъал» баҳсида томошабинлар олтита голга гувоҳ бўлди. Бироқ голларнинг аксарияти мезбонлар дарвозасига киритилди. Бекободлик футболчилар «Машъал»га имкониятни бой берди — 2:4.

Мусобақа жадвалида ҳамон Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси пешқадам бўлиб турибди. Улар ўн учрашувдан сўнг 37 очкога эга. Иккинчи погонада тошкентликлардан бир очко кам жамғарган «Нефтчи» футболчилари бормоқда. Бу йил олтин медаль учун кураш айнан мана шу икки жамоа ўртасида кечиши тобора ойдинлашиб бормоқда. Чунки бу жамоалар учинчи ўринда турган «Қизилқум»дан камида ўн очко илгарилаб кетди. Қолаверса, зарафшонлик футболчилар «Пахтакор»га ҳам, «Нефтчи»га ҳам ўз майдонида имкониятни бой берган.

Шундай бўлса-да, яна бир медаль — бронза учун бўладиган кураш қизиқдиган кўринади. Чунки унга бирваракайига бир неча жамоа даъвогарлик қилмоқда. Айни пайтда учинчи погонада турган «Қизилқум» ҳисобида йигирма олти очко мавжуд бўлса, «Насаф» зарафшонликларга нисбатан бир очко кам жамғарган. Бундан ташқари, «Дўстлик» ва «Навбаҳор» жамоаларини ҳам ҳисобдан чиқаришга ҳали эрта.

Зохир ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА шарҳловчиси.

13-ТУРДАН КЕЙИНГИ ВАЗИЯТ:

	Ў	Ю	Д	М	Тўплар	О
1. «Пахтакор»	13	12	1	0	40—9	37
2. «Нефтчи»	13	12	0	1	36—7	36
3. «Қизилқум»	13	8	2	3	25—12	26
4. «Насаф»	13	8	1	4	27—15	25
5. «Дўстлик»	13	6	3	4	17—17	21
6. «Навбаҳор»	13	5	5	3	20—13	20
7. «Сурхон»	13	6	2	5	16—20	20
8. «Машъал»	13	5	2	6	20—14	17
9. «Бухоро»	13	4	2	7	20—23	14
10. «Металлург»	13	4	2	7	16—27	14
11. «Андижон»	13	3	4	6	12—14	13
12. «Самарқанд»	13	4	1	8	17—22	13
13. «Трактор»	13	3	4	6	16—40	13
14. «Цементчи»	13	3	2	8	13—25	11
15. «Гулистон»	13	3	1	9	9—20	10
16. «Қўқон-1912»	13	2	0	11	14—26	6

Бош муҳаррир
полковник
И. Қ. АБДУКАРИМОВ

АДРЕС РЕДАКЦИИ:
г. Ташкент, 700031
ул. Д. Кунаева, 21

Газета выходит по вторникам, четвергам и субботам.

Заместитель главного редактора — 56-17-98; ответственный секретарь — 56-04-60. Отделы воинской службы и воспитательной работы — 56-02-51; по связям с государственными и общественными организациями — 56-02-49; массовой работы и спорта — 56-08-72; культуры и организации досуга — 56-03-48, социологии и рекламы — 56-54-76

Начальник издательства и типографии — 56-04-90; бухгалтерия — 56-03-82, отделы подписки — 56-03-46; заказов — 56-16-44; дежурный — 56-09-81.

Позиция редакции может не совпадать с точкой зрения авторов публикуемых материалов.

Письма, рукописи, фотографии и рисунки не рецензируются и не возвращаются.

Газета зарегистрирована в Государственном комитете Республики Узбекистан по печати. Рег. № 00050.

Номер отпечатан в типографии газеты «Ватанпарвар».

Заказ № 0227.